

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:

Рахимов Ильёс Муйдинович

Иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни давлат томонидан
тартибга солиш (Наманган вилояти мисолида)

5А340201 “МЕНЕЖМЕНТ” (ИШЛАБ ЧИҚАРИШ)

Мутахассислиги бўйича магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: **и.ф.н, доц. О.А.Арипов**

Наманган-2011

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3
1-боб: Миллий иқтисодиёт тармоқларини давлат томонидан тартибга солишнинг илмий асослари	
1.1. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари.....	11
1.2. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг бозор тизимига хос вазифалари ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги ўрни.....	18
1.3. Иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқуқий жиҳатдан ўзига хослиги.....	26
2-боб: Наманган вилояти иқтисодиётида тармоқлар бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиниши	
2.1. Наманган вилояти иқтисодиёти тармоқларининг ривожланишида тадбиркорликни ўрни.....	34
2.2. Вилоят иқтисодиёти тармоқларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражаси.....	43
2.3. Маҳаллий иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан тартибга солишда юзага келган муаммолар.....	53
3-боб: Иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишни янада такомиллаштириш йўналишлари	
3.1. Иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат механизми таъсирида тартибга солишни яхшилаш.....	66
3.2. Маҳаллийлаштириш дастурларини бажариш орқали кичик бизнес субъектларининг янада ривожлантириш имкониятлари.....	75
3.3. Ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш.....	82
Хулоса ва таклифлар.....	91
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	96
Иловалар	

Аннотация

Рахимов Ильёс Муйдиновичнинг “Иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш (Наманган вилояти мисолида)” мавзусидаги магистрлик диссертациясида миллий иқтисодиёт тармоқларини давлат томонидан тартибга солишнинг илмий асослари, Наманган вилояти иқтисодиётида тармоқлар бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиниши, иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишни янада такомиллаштириш йўналишлари ёритиб берилган.

Диссертация ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, назарий ва услубий асослари, амалий аҳамияти ва бошқалар баён этилган.

Ишнинг биринчи боби “Миллий иқтисодиёт тармоқларини давлат томонидан тартибга солишнинг илмий асослари” деб юритилди. Бунда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари ўз ифодасини топган. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг бозор тизимига хос вазифалари ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги ўрни тўғрисида мулоҳазалар берилган. Шунингдек, иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқуқий жиҳатдан ўзига хослиги назарий жиҳатдан очиб берилган.

Ишнинг иккинчи боби “Наманган вилояти иқтисодиётида тармоқлар бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиниши” деб аталди. Бу бобда Наманган вилояти иқтисодиёти тармоқларининг ривожланишида тадбиркорликнинг ўрни ва унинг ривожланганлик даражаси таҳлил этилди. Шу билан бирга маҳаллий иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан тартибга солишда юзага келган муаммолар аниқланди ва тадқиқ этилди.

Ишнинг учинчи боби “Иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишни янада такомиллаштириш йўналишлари” деб номланди. Ушбу бобда модернизациялаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат механизми таъсирини ошириш орқали тартибга солиш ва маҳаллийлаштириш дастурларини бажариш орқали кичик бизнес субъектларининг янада ривожлантириш имкониятлари тўғрисида мулоҳазалар юритилди. Энг муҳими ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш йўналишлари ишлаб чиқилди.

Магистрлик диссертация ишининг хулоса ва таклифлар қисмида олиб борилган тадқиқот натижаларида тегишли хулосалар чиқарилган.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз рўй берган даврда Ўзбекистонда иқтисодий барқарорлик устуворлик қилди. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришга бўлган саъй-ҳаракатлар давом эттирилди. Маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб ҳукумат томонидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Бу ўзининг ижобий самарасини кўрсатиб келмоқда.

Маълумки, 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб аталиши ушбу секторни янада ривожлантириш зарурлигини келтириб чиқармоқда. Шу ўринда амалга ошириладиган бир қатор чора-тадбирлар ичида, “...2011 йилда мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 54 фоизга етказиш кўзда тутилаётганини айтишнинг ўзи кифоя, деб...”¹ таъкидлайдилар юртбошимиз.

Бугунги кунда, яъни жаҳонда рўй берган молиявий-иқтисодий инқироз даврида Ўзбекистоннинг ҳар қандай ҳудудида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиб боришини аниқ кўриш мумкин. Юртимизда амалга оширилаётган модернизация ва демократлаштириш жараёнлари эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторининг янада ривожланишига туртки бермоқда.

Дарҳақиқат, миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши ва маънавий жиҳатдан янгиланиши мисли кўрилмаган таркибий ўзгаришларни амалга оширувчи жараёнларни келтириб

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 39 бет.

чиқарди. Бу эса ўз навбатида тадбиркор ва ишбилармонларимиз учун кенг имкониятлар яратиб берди.

Эътиборлиси шундаки, “ўзбек модели” асосидаги тамойилларга амал қилган ҳолда бозор иқтисодиётига ўтиб борилди. Танланган йўл ҳақлиги ва адолатли принципларга асосланганлиги ҳаёт синовларида текширилиб, жамоатчилик томонидан оммавий тарзда маъқулланди.

Бугунги кунда мазкур тамойилларни амалга ошириш натижасида, Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиёти муносабатлари кенг жорий этилиб, ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва сезиларли иқтисодий ўсиш амалга оширилмоқда.

Бироқ, шунга қарамай, Президентимиз И.А.Каримов 2010 йилнинг 12 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида “мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилиш масаласи биз учун долзарб бўлиб қолмоқда”². - деб таъкидладилар.

Президентимизнинг бундай ёндашувлари миллий иқтисодиёт таркибидаги барча тармоқларда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг янгича қараш асосида амалга ошириш зарурлигини акс эттиради.

Бу эса, айтиш мумкин, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ўрганиш, уларнинг ҳозирги ҳолатини таҳлилий жиҳатдан баҳолаш ва ушбу соҳани ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишни талаб этади. Шу нуқтаи назардан олганда танланган мавзу асосидаги диссертация иши ўта долзарб ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уни давлат томонидан тартибга солишга доир устувор масалалар энг аввало Республика Президенти

² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010. 51 бет.

И.А. Каримовнинг барча асарларида келтирилган. Бу борада Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларида амалга оширилган салоҳиятли ишларни самара бераётганлигини алоҳида қайд этиш керак.

Бизнинг мавзуимизга доир ишлар хорижий мамлакатларда ҳам у ёки бу даражада амалга оширилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бу секторни давлат томонидан тартибга солиш соҳасида хориж олимларидан Ж.Кейнс, Ф.Модильяни, П.Самуэльсон, Р.Солоу, Ж.Тобин, Ж.Тейлор, Н.Уоллес, М.Фридмен, И.Шумпетер, кабиларнинг илмий ишлари дунё миқёсида тан олинган.

Кейинги йилларда В.Леонтьев, П.Самуэльсон, В.Нордхаус, С.Фишер, С.Брю, Р.Дорнбуш, Р.Кэмпбелл каби таниқли иқтисодчиларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторини давлат томонидан тартибга солиш борасида қилган илмий ишлари салмоқли ҳисобланмоқда ва амалиётда жиддий қўлланилган.

Россиялик иқтисодчи-олимларидан В.Афанасьев, А.Блинов, А.Бусигин, В.Власова, И.Ершов, Н.Кирчегина, В.Орешин, А.Петров, В.Рубе, А.Ходачек, Ф.Шамхалов ва бошқаларнинг асарларида ҳам, у ёки бу мазмунда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш масалалари ўз аксини топган.

Шу билан бир қаторда мамлакатимиз олимларидан Ё.Абдуллаев, Ш.Мирзиёев Қ.Муфтайдинов, С.Суюнов, С.Қосимова, А.Йўлдашев кабиларнинг ишларида ҳам ушбу мавзу муаммолари кўтариб чиқилган.

Бироқ, айнан Наманган вилояти иқтисодиётининг тармоқларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг амалий ҳолати ва муаммоларини ҳали тўлиқ ўрганилган деб ҳисоблаб бўлмайди. Шу боис ушбу мавзу бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

Диссертация ишининг мақсади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида вилоят иқтисодиётининг тармоқларида фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишга қаратилган илмий ва амалий тақлифлар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Диссертация ишининг вазифалари. Мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгиланди:

- иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асосларини ифодалаш;
- иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг бозор тизимига хос вазифалари ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги ўрнини белгилаш;
- иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқуқий жиҳатдан ўзига хослиги тўғрисида мулоҳаза юритиш;
- Наманган вилояти иқтисодиёти тармоқларининг ривожланишида тадбиркорликни ўрнини аниқлаш ва ифода этиш;
- вилоят иқтисодиёти тармоқларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасини таҳлил этиш;
- маҳаллий иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан тартибга солишда юзага келган муаммоларни аниқлаш ва белгилаш;
- модернизациялаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат механизми таъсирини ошириш орқали тартибга солиш тўғрисида изоҳлаш;
- маҳаллийлаштириш дастурларини бажариш орқали кичик бизнес субъектларининг янада ривожлантириш имкониятларини очиб бериш;
- ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш йўналишларини ифода этиш.

Ишнинг объекти Наманган вилояти иқтисодиёти тармоқларидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳозирга қадар ривожланганлик ҳолати ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг предмети. Тадқиқот ишининг предмети сифатида Наманган вилояти иқтисодиёти тармоқларида фаолият кўрсатаётган кичик

бизнес субъектларини давлат томонидан тартибга солиш жараёнлари танлаб олинди.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Ҳукуматимиз томонидан чиқарилган меъёрий ҳужжатлар, Республика Президенти И.А.Каримовнинг бозор иқтисодиётига ўтиш ва саноат тармоғида кичик бизнесни ривожлантиришга доир асарлари, ҳамда хорижий ва ватанимиз олимларининг мавзуга оид илмий манбалари ушбу тадқиқотнинг услубий асосларини ташкил этади.

Тадқиқотни амалга оширишда Наманган вилоят ҳокимлиги ва туман статистика бошқармаси маълумотларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Наманган вилояти иқтисодиётининг турли тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожланиши, унинг мамлакат иқтисодиётидаги умумий кўпайишини таъминлаш ва тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Диссертация ишининг янгиликлари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари ифода этилди;
- иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг бозор тизимида хос вазифалари ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги ўрни белгилаб берилди;
- иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқуқий жиҳатдан ўзига хослиги тўғрисида мулоҳаза юритилди;
- Наманган вилояти иқтисодиёти тармоқларининг ривожланишида тадбиркорликни ўрни аниқланди ва изоҳланди;
- вилоят иқтисодиёти тармоқларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражаси таҳлил этилди;

– маҳаллий иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан тартибга солишда юзага келган муаммолар аниқланди ва белгиланди;

– модернизациялаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат механизми таъсирини ошириш орқали тартибга солиш тўғрисида фикр юритилди;

– маҳаллийлаштириш дастурларини бажариш орқали кичик бизнес субъектларининг янада ривожлантириш имкониятлари очиб берилди;

– ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш йўналишларига оид ишланмалар яратилди.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти. Диссертацияда иқтисодиёт тармоқларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган замонавий ёндашувлардан қуйидаги ҳолатларда фойдаланиш мумкин:

– вилояти иқтисодиётининг турли тармоқларида кичик бизнес ва хусусий корхоналарни истиқболда ривожлантириш режаларини асослашда;

– иқтисодиёт таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабаларга «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик», «Тадбиркорлик асослари», “Менежмент” фанларини ўқитишда;

– вилоят ҳокимлиги томонидан мазкур масалага оид дастурий ҳужжат ва амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Диссертация ишининг асосий ғояси ва унинг мазмун-моҳияти, илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот жараёнида олинган натижалар, хулосалар ва ишлаб чиқилган тавсиялар магистрантларнинг илмий семинарларида баён қилинган ва қуйидаги илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокама этилган “Рақобатбардош кадрлар тайёрлашда мустақил таълим: жаҳон таълим тизими тажрибаси ва олий таълим муассасалари ҳамкорлиги” мавзусидаги

Республика илмий-амалий конференцияси (2010 йил, Наманган), “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривож, истикболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси (2011 йил, Андижон).

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни Республика илмий-амалий конференциялари тўпламларидаги 2 та илмий мақолаларда ўз ифодасини топган.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши. Ушбу магистрлик диссертацияси кириш, унинг асосий мазмунини ифодаловчи учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертация ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, назарий ва услубий асослари, амалий аҳамияти ва бошқалар баён этилган.

Ишнинг биринчи боби “Миллий иқтисодиёт тармоқларини давлат томонидан тартибга солишнинг илмий асослари” деб юритилди. Бунда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари ўз ифодасини топган. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг бозор тизимида хос вазифалари ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги ўрни тўғрисида мулоҳазалар берилган. Шунингдек, иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқуқий жиҳатдан ўзига хослиги назарий жиҳатдан очиқ берилган.

Ишнинг иккинчи боби “Наманган вилояти иқтисодиётида тармоқлар бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиниши” деб аталди. Бу бобда Наманган вилояти иқтисодиёти тармоқларининг ривожланишида тадбиркорликнинг ўрни ва унинг ривожланганлик даражаси таҳлил этилди. Шу билан бирга маҳаллий иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан тартибга солишда юзага келган муаммолар аниқланди ва тадқиқ этилди.

Ишнинг учинчи боби “Иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишни янада такомиллаштириш йўналишлари” деб номланди. Ушбу бобда модернизациялаштириш шароитида кичик бизнес

ва хусусий тадбиркорликни давлат механизми таъсирини ошириш орқали тартибга солиш ва маҳаллийлаштириш дастурларини бажариш орқали кичик бизнес субъектларининг янада ривожлантириш имкониятлари тўғрисида мулоҳазалар юритилди. Энг муҳими ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш йўналишлари ишлаб чиқилди.

Магистрлик диссертация ишининг хулоса ва таклифлар қисмида олиб борилган тадқиқот натижаларида тегишли хулосалар чиқарилган.

1-боб: Миллий иқтисодиёт тармоқларини давлат томонидан тартибга солишнинг илмий асослари

1.1. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари

Ҳар қандай мамлакат ўз иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солишда миллий урф-одатлар ва анъаналар, ҳудуднинг ўзига хос бўлган хусусиятлари ва туб аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳисобга олади. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш Кейнс назариясида батафсил келтирилган.

Кейнсчилик иқтисодиёт фанида янги оқим сифатида 1929–1933 йиллардаги жаҳон иқтисодиёти инқирозидан кейин бевосита юзага келди ва унинг асосчиси таниқли ва машҳур Жон Мейнард Кейнс ҳисобланади.

Унинг фикрича, «асосий психологик қонун шундан иборатки, кишилар одатда, даромадларни ортириш билан ўз истеъмолини кўпайтиришга мойилдирлар, лекин бунда истеъмол даромад ортирган даражада ошмайди»¹. Демак даромад ўзгарса, истеъмол ҳам шу йўналишда ўзгаради, лекин истеъмол ўзгариши даромад ўзгаришидан кичик.

Ушбу назария 1936 йилда нашрдан чиққан «Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» асарида ёритилган. Лекин Кейнсдан олдин ҳам иқтисодиётга давлат аралашуви масалаларини ўрганган иқтисодчилар ҳам бор эди. Масалан, Д. Рикардо иқтисодий сиёсатнинг асосларини ишлаб чиққан биринчи иқтисодчи бўлди.

¹ Кейнс Дж. М. Обхая теория занятости, процента и денег. Пер. с англ. –М.: «Иностранная литература», 1948, С. 90.

Д. Рикардо капитал жамғарилишига олиб келмайдиган даромадларни барча турларини қоралади. Қийматни меҳнат назарияси объектив иқтисодий қонуният негизда, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг таъминловчи воситаси сифатида белгиланди.

Кейнснинг ўтмишдошлари А. Пигу ва К. Викселл, «Равнақ ва турғунлик» китоби автори Ч. Хаберлер ҳам иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш зарурлигини асослаб берган эдилар. Уларнинг ёндашувлари:

- даврийлик назариясини таҳлил қилиб бердилар;
- инқироз капитални ҳаддан ташқари жамғарилиши билан ифодаланади ёки етарлича истеъмол қилинмаслик билан изоҳланади ва даврийлик тебранишлари амплитудасини камайтириш фикрларини билдиради.

Ж.М. Кларк эса мультипликатор ва акселератор механизмини ишлаб чиқиб бошқарув жараёнида қўллаш масаласини кўтарди.

Бироқ, Дж. Кейнс назариясининг фарқи шундаки, ишсизлик ва ортиқча ишлаб чиқариш инқирозлари тасодифий, ўз-ўзидан юзага келадиган ходисалар эмас, балки бозор механизми ҳаракати туғдирадиган ходисалар эканлигини исботлаб, биринчи маротаба иқтисодиётни давлат ҳокимияти томонидан доимий, мунтазам равишда бошқарилиши зарурлигини эълон қилди.

«Давлат истеъмолга бўлган мойилликка ўзининг раҳбарлик таъсирини қисман мос тизим йўли билан, қисман фоиз меъёрини белгилаш билан ва қисман эҳтимол, яъни бошқа усуллар билан рўёбга чиқариши лозим бўлади»¹ — деган эди Дж.Кейнс.

Кейнс назарияси юзага келгач, иқтисодиёт иккига бўлиб ўрганила бошланди. Ушбу назария макроиқтисодиёт қонун-қоидалари микроиқтисодиёт қонун-қоидаларига тўғри келмаслигини исботлади ва давлат

¹ Кейнс Дж. М. Обхая теория занятости процента и денег. Пер. с англ. —М.: «Иностранная литература», 1948, С. 364.

орқали тартибга солиш зарурлигини баён қилиб, микроиқтисодий ёндашувни рад этди. Дж. Кейнс назарияси уч асосий ҳолатни ўз ичига олади:

1. Ўз-ўзидан ҳаракатга келадиган бозор механизмига баҳо берилади.
2. Иқтисодиётни ривожланиш жараёнида пайдо бўладиган қийинчилик ва зидиятларнинг сабаблари талқин қилинади.
3. Камчиликларни бартараф қилиш мақсадида иқтисодиётни тартиблаш тадбирлари тизими белгиланади.

Кейнс ўз тадқиқотларида Сэй қонунини инкор қилиб самарали талаб назариясини асослаб беради: Сэй қонуни бўйича таклиф ўз талабини юзага келтиради дейилган бўлса (классик назария), Кейнс эса жами талаб ўз таклифини юзага кетириш ғоясини илгари сурди.

Демак, тадбиркорлар учун қулай бўлган ишлаб чиқариш даражаси жами талаб функцияси билан жами таклиф функцияси кесишган нуқта билан белгиланади. Ушбу нуқтадаги жами талаб функциясининг қиймати самарали талаб деб аталади.

Иқтисодиётга давлат аралашувининг кейнсча назарияси иккинчи жаҳон урушидан сўнгги даврларга қадар иқтисодиёт фанида ҳукмронлик қилди ва бозор иқтисодиётига асосланган ривожланган мамлакатлар ҳукуматлари сиёсатида асос учун қабул қилинди.

Бироқ, 70-йилларнинг икинчи ярмидан бошлаб ушбу назария жиддий шубҳа остига олина борди. Чунки Кейнснинг назариясига кўра, давлат иқтисодиётнинг пасайиши даврида самарали талабнинг камомадли молиявий таъминлаш йўли билан рағбатлантиргани баробарида, саноат юксалиши даврида эса, аксинча, давлат бюджетининг мусбат қолдиғига эришгани ҳолида уни жиловлаши лозим.

Демак, ушбу назарияга кўра бюджет холисона бўлиб, давлат қарзи жамғарилишига йўл қўймаслик лозим. Лекин амалиётда бундай бўлмайди. Камомадли молиявий таъминлаш, узоқ давом этиб, катта давлат қарзлари пайдо бўла бошлайди. Бу эса фоиз ставкасининг, инфляция ва солиқларнинг кескин кўтарилиш хавфини туғдиради.

Шунинг учун бўлса керак унга, яъни кейнс назариясига муқобил бўлган макроиқтисодий қонуниятлар, яъни бир томондан, оқилона кутиш неоклассик назарияси, иккинчи томондан, монетаризм модели қаршилик кўрсата бошладилар.

Бугунги кунда иқтисодиётни монетар бошқаришнинг пул назарияси, инфляция билан кураш муаммолари, 1976 йилги Нобел мукофоти совриндори, америкалик Милтон Фридман бошлиқ Чикаго мактаби олимлари томонидан зўр бериб ўрганилмоқда.

Монетарчилар, пулни хўжалик тузилмасининг муҳим қисми, пул кредит сиёсати эса иқтисодиётни бошқаришнинг энг самарали усули деб ҳисоблайдилар. Фридман Милтон кейнсча концепцияга мантиқий муқобил бўлган назария яратиш мақсадида пулнинг миқдор назариясини асосий усул деб ҳисоблади. Инфляцияни соф пул муаммоси сифатида кўриб чиқди. Унинг фикрича, бу муаммони монетар тадбирлар тизими ёрдамида ҳал қилиш мумкин.

Монетар назария – таҳлил соҳаси бўлиб, у иқтисодий мувозанат ва ўсишнинг умумий муаммолари ҳамда пул ва банк механизми ишлашидаги махсус масалаларни ўз ичига олади. «Монетар сиёсат» тушунчаси эса одатда давлатнинг пул-кредит соҳасида бошқарувчанлик тадбирлари мажмуини қамраб олган.

Кейнсча ёндашувга кўра, хўжалик ривожини учун пулдан тезроқ фойдаланиш ғояси олдинга сурилса, монетаризм пул соҳасида бундай ҳаракатларни қоралайди. Шу билан биргаликда Милтон Фридман монетар қоидаларни қонун йўли билан белгилаш таклифи билан чиқди, унга кўра пул таклифи ҳар йили ЯММ ўсиши мумкин бўлган суръатда ошириш, яъни пул таклифи барқарор равишда йилига 3–5 % кенгайиши лозим.

Демак, монетарчилар фикрига кўра, пул таклифи берилган суръатда доимий равишда ошиб бориши, харажатларни ҳар қандай инфляция йўли билан ошириш маблағлар етишмаслиги туфайли ўз-ўзидан йўқолиб кетади.

Монетаризм назарияси Р. Рейган (рейгономика) ва М. Тетчер (тетчеризм) маъмурияти сиёсатига асос қилиб олинди ва улар ҳокимиятчилик қилган даврда ижобий натижалар берди.

Ўзбекистон Республикасида ушбу монетар сиёсат 1994 йилдан бери қисман жорий этила бошланди. Монетар сиёсатни асос қилиб олган мамлакатларнинг аччиқ сабоқларини таҳлил қилиб, Республика Президенти И. А. Каримов «Бинобарин, монетаризм ҳеч қачон ишлаб чиқаришни тангликдан олиб чиқишга қодир бўлган ягона йўналтирувчи ва ҳал қилувчи восита бўлган эмас. Барқарорлаштириш дастурини ишлаб чиқиш чоғида ана шу қаттиқ монетаризмга таянмаслик керак. Балки мувозанатга келтирилган монетар сиёсатни асосий тармоқлари ва ишлаб чиқаришни таркибан қайта ташкил қилишни қўллаб қувватлаш сиёсати билан бирга қўшиб олиб бориш зарур»¹ – деб таъкидлади. Ана шундай мустақил ва ўзига хос йўл тутган Ўзбекистон тажрибаси дастлаб Украина ва Белорус Республикалари эътиборини тортган бўлса, эндиликда бутун дунё мамлакатлари эътиборини ўзига тортмоқда.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш масалалари неоклассиклар томонидан ҳам кўриб чиқилган. Уларнинг ёндашувида ҳам ўзига хос жиҳатлар мавжуд. Неоклассик йўналишдаги иқтисодчилар асосан давлатнинг жамиятдаги даромадларини одилona тақсимлаш ва алокацион, яъни иқтисоддаги ресурсларни самаралироқ жойлаштириш мақсадидаги вазифаларини тадқиқ қиладилар.

Неоклассик моделда тадқиқ объекти бозор иқтисодиётини микроиқтисодий таҳлил қилиш ҳисобланади. Улар миллий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг бутунлай инкор этмайдилар. Уларнинг фикрича бозорнинг баҳо механизми, регулятори кўп ҳолларда ресурсларнинг оптимал, самарали ишлашини таъминлайди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995. 201-202 бетлар.

Неоклассик модел асосини рационал кўриниш назарияси ташкил қилади. Унга кўра кишилар ўзларини рационал равишда тутадилар. Манфаатга эришиш учун (асосан пулли мафаатга) улар ахборот тўплайдилар ва уларни ўрганадилар, кейингина қарор қабул қиладилар.

Булар эса талаб ва таклифни, мувозанатли баҳоларни ва ишлаб чиқариш харажатларининг бозордаги янги ҳолатларга, давлатнинг иқтисодий сиёсатидаги ўзгаришларга тезда мослашувчан бўлишини ифодалайди. Айрибошлаш муносабатларига эркин киришиш имкониятини ва бозорда мувозанат ҳолатига эришишни таъминлайди. Ушбу неоклассиклар назарияси давлатнинг вазифаларини қуйидагича белгилайдилар:

- Миллий мудофаани таъминлаш;
- Жамоатчилик тартибини сақлаш;
- Атроф муҳитни назорат қилиш;
- Таълим соҳасини ривожлантириш;
- Тиббиёт соҳаси ривожлантириш;
- Атроф муҳитни назорат қилиш ва бошқа соҳаларни ўз ичига қамраб олади.

Энг муҳими неоклассиклар ўз таълимотида жамоатчилик неъматлари билан таъминланиб турилиши кераклигини таъкидлайдилар.

Ўзбекистон иқтисодиёти давлат томонидан тартибга солинар экан, бу борада давлат муҳим вазифаларни бажариб келмоқда. Айниқса маъмурий буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш даврида унинг роли ортиб бормоқда. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: «Мураккаб ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи бўлиши зарур. Давлат бутун халқнинг манфаатларини кўзлаб, ислоҳотлар жараёнининг ташаббускори бўлиши, иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаши, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва мустақил давлатимизнинг ижтимоий–сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш

сиёсатини ишлаб чиқиш ва изчил рўёбга чиқариш керак»³ деб таъкидлаган эдилар. Кўриниб турибдики, ҳаммамизга бугунги кунда таниш бўлган машҳур бўлган беш тамойиллардан бири: «Давлат мураккаб ўтиш даврида ўзи бош ислохотчи бўлиши зарур»лиги бежиз эмас.

Маълумки, давлат иқтисодий қарорларнинг ҳуқуқий асосини таъминлаб беради, миллий иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилади. Иқтисодиёт таркибини ва инфратузилмаларини шакллантиради, пул муомаласини назорат қилади, ҳамда давлат мулкчилигида бўлиши маъқул бўлган соҳаларни ривожлантиради.

Давлат иқтисодиёт бошқарувига фаол аралашувида бозор механизми тамойилларини ҳисобга олади ва шарт-шароит яратиш нуқтаи назаридан тартибга солиб боради.

Кўпинча давлатни учта глобал функциялари таъкидланади:

1. Самарадорлик функцияси.
2. Иқтисодий адолатлик функцияси.
3. Иқтисодий барқарорлик, стабиллик функцияси.

Агар биз самарадорлик функциясини кўриб чиқадиган бўлсак, биз энг аввало давлатни турли иқтисодий воситалари орқали ишлаб чиқаришни иқтисодий самарадорлигини ошириш фаолиятини тушунамиз. Бу ерда албатта биз антимонопол сиёсатни кўз олдимизга келтирамиз, чунки рақобат муҳит бозор механизмига бевосита таъсир этувчи омил ҳисобланади.

Адолатлик функциясига келадиган бўлсак, жамият ҳар бир ишбилармонни, хўжалик субъектини рақобат шароитида қатнашиб кўрсатган пировард натижаси, товар ишлаб чиқариб, хизмат кўрсатиб, иш кучи ва капиталдан оқилона фойдаланиб олган даромадларни тан олади ва бунинг учун давлат барча шароитларни яратиб беради.

Шунинг учун рақобатда яхши натижаларга эришиб юқори даромад олганлар ва рақобатда ёмон натижалар билан оз даромад олганлар тан олиниб,

³ Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» –Т.: «Ўзбекистон», 1995. 10-11 бетлар.

адолатли деб ҳисобланади. Лекин бу ерда айтишимиз лозимки, давлат аҳолини даромадлари бўйича табақаланишини тан олса-да, улар орасидаги тафовутни ортиқча бўлишига йўл қўймайди, ушбу тафовутни олдини олиб бошқаради ва назорат қилади. Бизнинг Ўзбекистон шароитида ушбу тафовут, жуда кўп даромадли ва жуда оз даромадли оилалар орасидаги фарқ ўн маротабадан ортмаслиги керак.

Бироқ, соф бозор тақсимоти, даромадлар бўйича, аҳолини яшаш минимумини таъминлаб бермайди. Шу боис даромадлар тақсимоти бозор нуқтаи назаридан адолатли бўлса-да, умуминсоний кадриятлар борасида адолатли ҳисобланмайди. Шунинг учун давлат ўз зиммасига олаётган даромадларни қайта тақсимо қилиш функциясини, шунингдек, вақтинча иш билан шуғулланишга ёш жиҳатдан тўғри келмаган жамият аъзоларини ижтимоий ҳимоясини ҳам таъминлайди.

Бозор тизими тўлиқ бандликка эришмаган, эришмайди ва эришишга қизиқмайди ҳам. Натижада ишсизлик муаммоси пайдо бўлади. Ушбу муаммолар билан албатта давлат шуғулланиши керак ва шуғулланади ҳам. Бундан ташқари давлат ишлаганларга минимал истеъмол ва минимал иш ҳақини кафолатлайди.

1.2. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг бозор тизимига хос вазифалари ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги ўрни

Мустақилликка эришгач, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг вазифалари мазмуни ва моҳияти жиҳатидан тубдан ўзгарди. Эндиликда давлат томонидан тартибга солиш давлат режасига асосланмасдан, бозор тизимига хос бўлган ёндашув асосидаги вазифаларни бажара бошлади. Давлат бошқаруви фаолиятида бозор механизми фаолияти билан ҳисоблашиш зарурлигини инобатга оладиган вазифалар кўлами пайдо бўла бошлади.

Бозор иқтисодиёти шароитларига тобора ўтиб борара эканмиз, бозорда мавжуд талаб ва таклиф, рақобат, қиймат қонунийатлари инкор этиб

бўлмайди. Товар ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар ва ишбилармонларга иқтисодий шарт-шароит яратиш нуқтаи назаридан давлат ўз вазифасини бажариб боради.

Ҳозирги замон иқтисодиётини ривожлантиришда давлат муҳим аҳамиятга эга, айниқса бир тизимдан бошқа тизимга ўтиш даврида, жумладан бозор иқтисодиёти даврида унинг роли ҳар томонлама ортиб боради. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш нуқтаи назаридан олганда, ушбу секторни ривожланишига замин яратиб, шарт-шароитларни ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш масаласи устувор вазифага айланди.

1.2.1-жадвал

**Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг
иқтисодиётнинг тармоқларидаги улуши
(яқунига кўра %ларда)**

Номла- ниши	2000 йил	2001 йил	2002 йил	2003 йил	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил
ЯИМ	31,0	33,8	34,6	35,0	35,6	38,2	42,1	45,7	48,2	50,1
Саноат	14,0	14,5	15,9	10,9	10,1	9,4	10,0	13,2	13,9	16,9
Қишлоқ хўжалиги	73,6	74,5	74,9	78,1	81,1	85,7	93,9	97,5	98,7	97,9
Қурилиш	36,8	36,8	41,3	46,4	49,8	48,2	51,0	55,4	58,5	41,6
Чакана савдо	45,3	46,1	43,4	42,4	42,2	43,7	45,3	48,2	47,2	46,5
Хизмат кўрсатиш	37,9	40,5	41,3	45,4	47,9	52,5	50,8	50,1	49,1	48,7

Маълумки, ўзбек модели асосидаги машҳур беш тамойилларнинг биринчиси «иқтисодиётни сиёсатдан устуворлигини таъминлаш»дир. Агар бу тамойилга изоҳ берадиган бўлсак, аввал иқтисодий муаммоларни ҳал этиш зарурлигини англаш мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида нарх-навонинг ўзгариши, инфляциянинг, ишсизлик ва бошқа бир қатор муаммолар юзага келиб турадики, уларни бутунлай бартараф этиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан олганда инсон энг аввало иқтисодий жиҳатдан муайян таъминотга муҳтожлиги сезилиб қолади. Бундай муҳтожликни олдини олишда эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Дарҳақиқат, бозор иқтисодиёти муносабатларида давлатнинг устувор вазифаларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг фаолияти учун шарт-шароитлар яратишдир. Шундай экан, «ўзбек модели» асосидаги тамойилларнинг иккинчисида «мураккаб ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислохотчи бўлиши зарур» деб бежиз қайд этилмаган¹. Бошқача айтганда, давлатнинг ўзи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласида манфаатдордир. Бу борада шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда давлатнинг турли иқтисодий тизимлардаги вазифалари, тартибга солиш механизми ва ўрни каби масалалар жаҳон иқтисодчи олимлари томонидан ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан кенг муҳокама этилиб, турли мунозараларга сабаб бўлмоқда. Шу сабабли ҳам биз бу муаммолар хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Барча даврларда давлат жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига катта таъсир кўрсатган. Давлатнинг роли, айниқса, ўтиш даврида яққол намоён бўлади. XIX аср охири XX аср бошларида давлатнинг иқтисодий роли ошиши билан боғлиқ муаммолар турли иқтисодий йўналиш (мактаб)лар тадқиқотларида ўз аксини топган. 1929-1933 йилларда ғарб давлатларининг иқтисодий негизини ларзага солган **“Буюк инқироз”**, ривожланишнинг барқарорлигини таъминлаш зарурати иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш механизми билан тўлдириши кераклигини кўрсатди².

Бозор иқтисодиёти тизимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сектори бозор муҳити билан ҳисоблашиб, савдо, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришни амалга оширади. Чунки бозор иқтисодиёти тизимида амал қиладиган бозор қонуниятлари, яъни талаб ва таклиф қонуниятлари «нимани, қандай, қанча, ва ким» учун ишлаб чиқаришни белгилайди. Давлат айнан шу муаммони ечимини топишга тадбиркорлар учун ҳуқуқий шартқшароитлар яратади.

¹ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 16-20 бетлар

² Қаранг: Амалий иқтисодиёт: /Ўқув қўлланмаси/ Таржимонлар И.Фозилов ва бошқ. –Junior Achievement. –Т.: Шарқ, 1996. 156 бет.

Фикрларимиздан аён бўляптики, кишиларнинг фаровонлиги, миллатнинг тақдири, давлатнинг тақдири мамлакатнинг иқтисодий ривожига билан узвий боғлиқдир. Иқтисодиёт борасидаги муваффақиятлар даражаси мамлакатнинг жаҳон бозорида ўз мавқеини мустаҳкамлаб, аҳоли фаровонлигини ошириб боришни ёки тобора бошқа мамлакатлардан орқада қолишини белгилайди. Бунда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кенг имкониятларни яратиш билан боғлиқ бўлган масалалар алоҳида ўрин олади.

Натижада давлатнинг иқтисодий фаолиятида мақсад қилиб белгиланган йўл жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланишидаги самарадорлик, тенглик ва барқарорлик тамойилларининг амалга ошишида акс этади. Ушбу тамойилларни жорий этиш доимо ўзгариб бораётган технология асосида кўплаб товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун шароит яратишни, чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланганда сарф-харажатларни камайтиришни, жаҳон бозорида ўз мавқеини мустаҳкамлашни, янги иш ўринлари яратишни тақозо этади. Бу эса барча турдаги хўжалик фаолияти учун, истёмолини сотувчига иқтисодий эркинликни назарда тутаяди.

Бозор механизми иқтисодиётни тез суръатларда ривожланишига олиб келсада, жамият ҳаётининг орқага кетишига сабаб бўлувчи инқирозларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам бозордаги беқарорликнинг иқтисоддаги ҳалокатли оқибатларидан сақлаш мақсадида давлат бозорнинг истиқболини белгилаш, дастурлар механизмини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади³.

У ёки бу мамлакатда давлатнинг хўжалик ҳаётидаги роли унинг функциялари орқали намоён бўлади. Бу функциялар турли-туман бўлиб, унинг энг аҳамиятлилари қуйидагилардир: иқтисодиётнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (Олий Мажлисда мулкчилик, ер, солиқ, нафақалар, кооператив ва бошқа қонунлар бўйича ўтган музокараларни эслайлик), яъни давлат ўзининг парламенти ва ижро ҳокимияти тизимлари

³ Қаранг: Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Т.: Ўзбекистон, 1994. 39 бет.

орқали корхоналар ва аҳолининг бозордаги “**ўйин қоидалари**”ни¹ белгилаб беради. Агар биз бу қоидаларга амал қилсак, қонунлар барқарор характерга эга бўлади.

Давлат тасарруфидан чиқариш жараёни давлатнинг хўжалик функцияларини камайтиришга, бозорни ҳаракатга келтирувчи воситалар ролини мустаҳкамлашга қаратилади. Бу нарса давлат секторида иқтисодий ҳокимиятнинг марказлашувидан воз кечиш ва авваллари самарасиз деб ҳисобланган соҳаларга рақобат механизмини жорий этишни назарда тутди². Рақобатни ривожланиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи воситадир. Рақобат асосида мазкур секторнинг ривожланиши авж олиб тезлашади. Бироқ бу соҳани ҳам давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари кўрилган бўлиши керак.

Давлатнинг асосий мақсади – макроиқтисодий вазифаларни белгилашдир. Давлат корхоналар қандай бўлишидан қатъий назар уларнинг хўжалик ҳаётига аралашмайди. Ҳар қандай корхона бозордаги талаб ва таклиф кўламига қараб ўзини бошқариб бориши табиий. Бозор шароитида маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона фаолиятининг йўналишлари бўйича барча маълумотни ресурслар, маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш учун нарх-наво тизими орқали олади. Бунда маркетинг тизим муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқарувчилар талаб ва таклиф асосида маҳсулот чиқариб, улар ўртасида рақобат кучаяди. Булар умумий ҳолда бозор механизмини самарали фаолият кўрсатиши учун асосий ва белгиловчи омил бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни бошида давлатнинг ўзи бош бўлмоқда. Айни даврда давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётдаги турли шакллари намоён бўлади, ялпи миллий маҳсулотда давлат харажатлари ва даромадларининг ҳиссаси ошиб бориб, давлат бюджетига келиб тушаётган солиқлар ўсмоқда, давлат тадбиркорлик тизими ривожланыпти. Миллий даромадни қайта тақсимлашда

¹ Самуэльсон П.А., Нордхаус В.Д. Экономика: Пер. с англ. –М.: «Лаборатория Базовых Знаний», 2000. 323 стр.

² Қаранг: Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005. 49-53 бетлар.

давлатнинг роли каттадир. Давлат солиқлар ёрдамида хазинани тўлдириб бориши билан бирга, ижтимоий талаблар тизimini ҳам тартибга солмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат бошқаруви шакллари ва чора-тадбирлари ҳар бир мамлакатда ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Давлат бошқарувининг асосий воситаларига: фискал сиёсат, пул сиёсати, даромадларни бошқариш сиёсати, ташқи иқтисодий сиёсат ва ижтимоий сиёсатлар кирази. Давлат бошқарувининг ҳар бир воситаси ўз вазифасини бажаради ва бир-бирини тўлдиради³.

Фискал сиёсат – ҳукумат харажати ва солиқлар соҳасидаги сиёсатдир. Давлат харажатлари орқали давлат сектори ва ижтимоий таъминотга маблағ ажратилибгина қолмай, балки ресурс, товар ва хизмат кўрсатиш бозорида ҳам харидлар қилинади⁴.

Ҳукумат харажатлари аҳолининг барча қатламлари фойдаланиши учун бериладиган миллий маҳсулотнинг улушини кўрсатади. Улар ялпи миллий маҳсулотнинг ўсишига катта таъсир кўрсатади. Солиқлар иқтисодиётда икки томонлама вазифани бажаради.

Бир томондан, улар давлат даромадларини шакллантиради, иккинчи томондан эса, истеъмолчи ва маҳсулот ишлаб чиқарувчига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади. Солиқлар бозорда умумий талабни ва ялпи миллий маҳсулот ҳажмини камайтирса, паст солиқлар эса давлат даромадини тушириб юборади. Шунинг учун бундай шароитда солиқларнинг оқилона чегарасини белгилаш муаммоси туради.

Ўзбекистонда солиқ тизимининг ривожланиши, давлат томонидан тартибга солишнинг воситаларидан бири сифатида намоён бўлди. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши миллий иқтисодиётни барқарорлашувига олиб келади. Бироқ, турли тармоқлардаги кичик бизнес субъектларининг ривожлашинишида, тармоқлар ўртасидаги пропорционаллик

³ www.cer.uz. – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги ҳузуридаги Самарали иқтисодий сиёсат маркази расмий сайти.

⁴ Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Прўнципў, проблемў и политика. Пер. с.англ. Т.1. –Т.: 242 стр.

таъминланмаяпти. Масалан, саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари миқдор жиҳатдан бошқа тармоқларга тегишли худди шундай субъектларга кўра камдир. Айни даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари савдо ва умумий овқатланиш тармоғида миқдор жиҳатидан кўпдир.

Бу мулоҳазалардан шундай хулосага келиш мумкинки, солиқ солиш объектларида ставкаларни турлича қўллаш услубларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозиги кунда саноат, моддий-техника таъминоти, геология, фан ва молия тармоқларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари учун солиқ ставкаларининг энг минимал даражасини қўллаш имкониятларини яратишимиз лозим.

Пул муомаласи сиёсати – пул миқдорида таъсир кўрсатиш орқали фоида сиёсати, унинг натижасида корхона сармоялари ва аҳолининг истеъмоли даражасига таъсир кўрсатишдир. Сармоялар ва истеъмол орқали ички миллий маҳсулотнинг ўсишига таъсир кўрсатилади. Пул сиёсати пулнинг қадрсизланишига яъни инфляцияга қарши олиб бориладиган тадбирда катта рол ўйнайди¹.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида яратиладиган маҳсулотлар ҳажмига тенг миқдорда пул обороти ҳам бўлиши керак. Агар бундай қонуният бажарилмаса, бозорга кеириб келган янги маҳсулотларнинг маълум бир қисми пул иблан таъминланмаган бўлади. Бу эса ўз навбатида истеъмолни пасайтиради. Бошқача айтганда, аҳолининг ликвидлилик даражасини пасайтиради. Шунинг учун давлат томонидан тартибга солиш масалаларида пул муомаласи сиёсати муҳим аҳамиятга эга.

Даромадни тартибга солиш сиёсати – инфляцияга қарши курашнинг асосий воситаларидан бири бўлиб ҳисобланади, чунки аҳоли ва корхоналарнинг пулга бўлган талабини тартибга солишга қаратилган². аҳолининг пулга бўлган талаби кучайиб борса, инфляция даражасининг

¹ Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принципи, проблем и политика. Пер. с.англ. т.1. –Т.: 265-271 стр.

² Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принципи, проблем и политика. Пер. с.англ. т.1. –Т.: 279 стр.

кучайишига олиб келади. Ўзбекистон шароитида инфляция даражасини пасайтиришга эришиш имкониятларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилган бўлса-да, у маълум даражада сақланиб қолмоқда. Аммо жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз даврида бошқа ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги инфляция даражалари билан солиштирганда анча паст кўрсаткичларга эришилди. Бунинг асосий сабабларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига эътиборни жиддий қаратилиши бўлди.

Жаҳонда рўй берган молиявий-иқтисодий инқироз даврида Ўзбекистонда инфляцияни олдини олиш, ишсизликни бартараф этиш, аҳоли даромадларининг ўсиш суръатларини сақлашга йўналтирилган чора-тадбирлар кўриб борилди. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторига бўлган давлат сиёсатидаги эътиборнинг алоҳида эканлиги муҳим воқеликка айланди. Жаҳондаги жуда кўп мамлакатлар кейинчалик Ўзбекистоннинг ушбу сиёсатидаги ўзига хос жиҳатларни таҳлил этиб, ўзларининг иқтисодиётларида қўллашга ўтдилар.

Ижтимоий сиёсат – кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш дастурларини амалга оширишга, уларни инфляция оқибатларидан ҳимоя қилишга йўналтирилган. У таълим, тиббиёт, маданият, кўп болали оилаларга ёрдам, бандлик сиёсати соҳаларини ҳам ўз ичига олади. Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёсатнинг олиб борилиши ўрта синфни шаклланишига қулай муҳитни яратиб берди.

Ташқи иқтисодий сиёсат – ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиш, давлатни савдо сиёсатини, валюта алмаштириш курсини тўғри йўлга қўйишни, ташқи савдо таъриф ва квоталар тизимини, ташқи савдо лицензиясини ўз ичига олади.

Хулоса қилиб айтганда ҳар қандай фаолиятнинг ислохот дастурини амалга оширишда давлат ва унинг ҳокимияти структурасининг етакчилик ролида келиб чиқади. Фақат давлатгина баҳоларни ва даромадни музлатиб туриш муаммосини ҳал қилиши, иқтисодиётдаги номутаносибликни бартараф этиши, бюджет ва тадбиркорликни рағбатлантиришни қўшиб олиб борувчи

кредит, молия ва солиқ сиёсатини оқилона амалга ошириши керак. Давлат томонидан тартибга солиш, режалаштириш ва бошқариш, айниқса, якка ҳокимликни бартараф этиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида намоён бўлиши зарур.

1.3. Иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқуқий жиҳатдан ўзига хослиги

Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш, ўзбек модели асосидаги бешта тамойилга устуворлик берилади. Айниқса қонун устиворлигини таъминлаш тамойили асосида меъёрий ҳужжатларни ташкиллаштириб бориш ҳукуматимиз томонидан жиддий амалга ошириб борилмоқда. Шунга кўра кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ёки хусусий тадбиркорлик субъекти тадбиркорлик ташкилотларини (ширкатларини) тузади. Тадбиркорлик ташкилотларини (ширкатларини) тузиш, уларнинг фаолиятини кўрсатиши, уларни қайта ташкил этиш ва тугатишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини барпо этиш ва уни рўйхатдан ўтказиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Корхонани барпо этишнинг умумий шарт-шароитлари:

а) корхона мол-мулк эгаси (эгалари) ёки у (улар) вакил қилган идора, корхона, ташкилот қарорига мувофиқ, ё бўлмаса таъсис этувчилар гуруҳи ва айрим таъсис этувчи шахслар қарори билан ушбу ҳамда Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда барпо этилади;

б) корхона ишлаб турган корхоналар, ташкилотлар таркибидан битта ёки бир нечта таркибий бўлинманинг шу бўлинма (бўлинмалар) меҳнат жамоаси ташаббуси билан ажралиб чиқиши натижасида, агар бундай ажралиб чиқиш учун корхона мол-мулк эгасининг (у вакил қилган идора, корхона ва

ташкilotнинг) розилиги бўлса ва корхона илгари ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилиши таъминланса тузилади;

в) корхонани барпо этиш ва унинг фаолияти учун ер участкаси, бошқа табиат ресурслари талаб қилинадиган ҳолларда улардан фойдаланишга рухсатномани ҳокимият идораси, тегишли қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда эса экология экспертизасининг ижобий хулосаси бўлган тақдирда табиатдан фойдаланувчи тегишли бошланғич ташкilot томонидан ҳам берилади. Ер участкаси ва бошқа табиат ресурсларини бериш рад этилганида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда шикоят қилиниши мумкин;

г) корхона давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб барпо этилган деб ҳисобланади ва ҳуқуқий шахс ҳуқуқини олади.

2. Корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби:

а) корхона, агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ўзгача тартиб кўзда тутилган бўлмаса, корхона жойлашган ердаги маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади. Корхона давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси ягона давлат реестрига киритиш учун қисқа муддат ичида Молия вазирлигига ҳабар қилинади;

б) корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораси бу корхонани барпо этиш тўғрисидаги қарор, устав ҳамда меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилгандек рўйхат бўйича бошқа ҳужжатлар тақдим этилади;

Корхона тегишли маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идорасига зарур ҳужжатлар илова қилиниб ариза топширилган пайтдан бошлаб, қисқа вақт ичида давлат рўйхатидан ўтказилади;

в) корхонани барпо этишнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартиби бузилганлиги, шунингдек таъсис ҳужжатлари қонун талабларига мос келмаслиги сабабларига кура корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилиши мумкин.

Корхоналар зарур ҳужжатларни тақдим этган тақдирда, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари уларни рўйхатга олишни рад этишга ёки рўйхатга олиш учун қўшимча шартлар белгилашга ҳақли эмаслар.

Агар корхона белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказилган бўлмаса ёки таъсис этувчи корхонани рўйхатдан ўтказиш рад этилганлиги сабабларини асоссиз деб ҳисобласа, у судга мурожаат қилиши мумкин. Суд корхонани рўйхатдан ўтказиш рад этилганлигини асоссиз деб топса, бу ҳол корхонани рўйхатдан ўтказмаган маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идорасининг моддий жавобгарлиги (суд чиқимларидан ташқари) сабаб бўлади. Моддий жавобгарликнинг миқдори суд томонидан аниқланади ва қонунда белгиланган тартибда ундириб олинади.

г) корхонани давлат рўйхатидан ўтказганлик учун ундан Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйиладиган миқдорида ҳақ олинади. Олинган маблағ маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораси томонидан корхона рўйхатдан ўтказилган жойдаги ноҳия, шаҳар, шаҳардаги ноҳия бюджетига ўтказилади.

3. Корхонанинг устав асосида иш олиб бориш тартиби.

Корхона уставида қуйидагилар белгилаб қўйилади:

- корхонанинг номи, унинг қаерда жойлашганлиги;
- фаолият тури ва мақсадлари;
- унинг бошқарув ва назорат органлари, уларнинг ваколатлари;
- корхона мол-мулкани ташкил этиш ва фойдани (даромадни) тақсимлаш тартиби;
- корхонани қайтадан ташкил этиш ва унинг фаолиятини тухтатиш шартлари.

Уставга корхона фаолиятининг хусусиятлари билан боғлиқ бўлган, қонунларга зид келмайдиган ўзга қоидалар ҳам киритилиши мумкин.

4. Корхонани бошқаришни ташкил этишнинг умумий қоидалари.

Корхона ўз уставига мувофиқ бошқарилади. Корхона бошқарув структураси, шакли ва услубларини мустақил аниқлайди, штатларни

белгилайди. Мулкдор корхонани бевосита ёки ўзи ваколат берган идоралар орқали бошқаради. Мулкдор ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи субъекти ёхуд у ваколат берган идоралар ана шу ҳуқуқларни корхона кенгашига (идорасига) ё бўлмаса корхона уставида кўзда тутилган ҳамда мулкдор ва меҳнат жамоаси манфаатларини ифода этадиган бошқа идорага топшириши мумкин.

Кичик корхона раҳбарини ёллаш (тайинлаш, сайлаш) ва бўшатиш корхона мулки эгасининг ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи субъектининг ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқни улар бевосита, шунингдек ўзлари вакил қилган идоралар орқали ёки корхонани бошқариш ҳуқуқи берилган корхона кенгаши, бошқаруви ёхуд бошқа идоралар орқали амалга оширадилар.

5. Корхонанинг меҳнат жамоаси, унинг ваколатлари.

Ўз меҳнати билан корхона фаолиятида меҳнат шартномаси (битим, келишуви), шунингдек ходимнинг корхона билан меҳнат муносабатларини тартибга солувчи бошқа шакллар асосида қатнашувчи барча фуқаролар шу корхонанинг меҳнат жамоасини ташкил этадилар.

Корхоналар меҳнат жамоаси ваколатларини амалга оширишнинг асосий шакли унинг умумий йиғилиши бўлиб ҳисобланади. Умумий йиғилиш: корхона мол-мулкни сотиб олиш билан боғлиқ масалаларни, корхона маъмурияти билан жамоа шартномаси (битими) тузиш зарурлиги тўғрисидаги масалани, ўз ходимлари учун қўшимча отпусклар, қисқартирилган иш куни ва ишлаб топилган ҳамда истеъмолга сарфланадиган маблағлар доирасида бошқа ижтимоий имтиёзлар белгилайди.

6. Жамоа шартномаси (битими).

Жамоа шартномаси (битими) ҳамма турдаги корхоналарда тузилиши мумкин ва у амалдаги қонунларга зид бўлмаслиги лозим. Корхонадаги ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатлари, меҳнатни муҳофаза қилиш, жамоанинг ижтимоий тараққиёти ва жамоа аъзоларининг саломатлиги масалалари жамоа шартномаси (битими) билан тартибга солинади. Жамоа шартномаси (битими)

тузиш ёки уни бажариш чоғида келишмовчилик чиққан тақдирда бу келишмовчилик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

7. Тадбиркорнинг ҳуқуқлари. У қуйидагилардан иборат:

- республика ҳудудида яшовчи ва фаолият юритувчи ҳар бир фуқаро (бир гуруҳ фуқаролар) ҳўжалик юритувчи бошқа бошқа субъектлар билан тенг асосларда қонунларда белгиланган шартларга риоя қилган ҳолда корхоналар ва ташкилотларни вужудга келтириш, таъсис этиш, сотиб олиш ва қайта тузиш йўли билан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва давом эттириши;
- бу фаолиятни бажариш учун бошқа юридик шахслар ва фуқароларнинг мол-мулки ҳамда пул маблағларини ихтиёрий асосларда жалб этиши, ходимларни мустақил ёллаш ва ишдан бўшатиши;
- тадбиркорликдан қонунларда белгиланган тартибда солиқ солинадиган чексиз миқдорда шахсий даромад орттириши, ижтимоий таъминланиш ва ижтимоий суғурта қилиниш ҳуқуқларига эгадирлар.

Тадбиркор ёки у вакил қилган шахслар ҳўжалик юритувчи бошқа субъектларнинг ҳар қандай хатти-ҳаракатлари ва тадбиркорга қилаётган даъволари ҳамда белгиланган тартибда бериладиган жазо чоралари хусусида бахслашишга ҳақли, қонунларга мувофиқ ҳеч суссиз қўлланадиганлари бундан мустаснодир.

8. Тадбиркорнинг мажбуриятлари. У қуйидагилардан иборат:

- тадбиркор амалдаги қонунлардан ҳамда ўзи тузган битимлардан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни бажариши;
- ёлланиб ишлаётган ходимлар билан қонунларга мувофиқ меҳнат шартномалари (битимлар) тузиши, ёлланиб ишлаётган ходимларни ижтимоий ва тиббий суғурта қилиши;
- ишга жалб этилган барча ходимлар билан тузилган битимга мувофиқ, корхонанинг молиявий аҳволидан қатъий назар, тўла ҳисоб-китоб қилиши;

- махсус билим ва кўникма талаб қилинадиган ишларга фақатгина зарур тайёргарликка эга, касб-кори жихатидан яроқли ва тегишли маълумотга эга бўлган шахсларнигина жалб этиши муқаррардир.

9. Тадбиркорнинг маъсулиятлари.

Солиқ ва кредит мажбуриятларининг, тузилган битимларининг ижроси, бошқа субъектларнинг мулкӣ ҳуқуқларни бузганлиги, бехатар меҳнат шароитларига риоя этмаслиги, истеъмолчиларга одамларнинг саломатлигига зарар етказадиган маҳсулот етказиб берганлиги, атроф-муҳитга зарар етказганлиги, якка ҳокимликка қарши қонунларни бузганлиги учун, тадбиркор ўз мол-мулк доирасида амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгар бўлиб ҳисобланади. Мулкӣ даъволар тадбиркорнинг меросхўрларига ҳам тааллуқли бўлади, лекин улар мерос қилиб қолдирилган мол-мулк ҳажмидан ошмаслиги зарур.

10. Тадбиркор корхонанинг ташқи иқтисодий фаолияти.

Корхона қонунларга мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни мустақил равишда амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Олинган валюта корхонанинг валюта баланси ҳисобига ўтказилади ва ундан корхона мустақил фойдаланади. Корхонанинг валюта тушумидан мазкур корхона ўз валюта ҳисобидан қилган бевосита валюта ҳаражатлари чегириб ташлангандан сўнг республика ва маҳаллий бюджетларга валюта ажратмалари ўтказилади.

Республика ва маҳаллий бюджетларга ажратмалар миқдори қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Корхонанинг валюта маблағини ўзга йўл билан тортиб олиш таъкидлаб ўтилган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда кўсатилганидек қатъий ман этилади.

Давлат бошқарув органлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт-импорт опреацияларидаги иштирокини кенгайтиришга, шунингдек мазкур субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги дастурларни ва лойиҳаларни рўёбга чиқаришда қатнашувига оид тадбирларни амалга оширадилар, уларнинг халқаро кўрғазмалар ва ярмаркаларда қатнашишларига ёрдам берадилар.

11. Корхона фаолиятини назорат қилиш тартиби.

Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти мулкдорнинг ташаббуси билан ва бир йилда кўпи билан бир марта тафтиш қилиниши мумкин. Меъёрий (қонун) ҳужжатлари билан корхоналар фаолиятининг айрим жиҳатларини текшириш вазифаси юкланган солиқ ва бошқа давлат идоралари бундай текширувларни зарурат туғилганида ва қатъиян ўз ваколатлари доирасида амалга оширишлари мумкин. Корхона ўз навбатида, ана шу идораларнинг ваколатига кирмайдиган масалалар юзасидан мазкур идораларнинг талабларини бажармасликка ва назорат соҳасига кирмаган материаллар билан уларни таништирмасликка ҳақлидирлар.

Барча турдаги текширувлар ва тафтишлар корхонанинг нормал фаолият юритишларига, ишлашларига ҳалақит бермаслиги керак. Тафтишлар ва текширувларнинг натижалари ўз вақтида корхонага ҳабар қилинади.

12. Корхонани тугатиш ва қайта ташкил этиш шартлари.

Корхонани тугатиш ва қайта ташкил этиш (бирлаштириш, қўшиш, бўлиб юбориш, ажратиш, қайтадан тузиш), корхона мол-мулки эгасининг ёки шундай корхоналарни ўтзишга ваколатли бўлган идоралар қарорига биноан ёхуд суд ёки ҳакамлик судининг қарорига биноан амалга оширилади. Синган корхоналарни тугатиш қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Корхона давлат рўйхати реестридан чиқариб юборилган пайтдан бошлаб қайта ташкил этилган ёки тугатилган ҳисобланади. Корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш давомида ишдан бушатилаётган ходимларга меъёрий ҳужжатларда белгиланганга мувофиқ уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишига кафолатлар берилади.

Корхона бошқа корхона билан қўшилган тақдирда мазкур корхоналарнинг ҳар бирига тааллуқли барча мулкӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятлар қўшилиш натижасида вужудга келган корхонага ўтади. Бунда унинг барча мулкӣ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қўшиб олган корхонага ўтади. Корхона бўлиб юборилган тақдирда қайтадан ташкил этилган корхонанинг мулкӣ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ана шу бўлиб юбориш

натижасида вужудга келган янги корхоналарга бўлиб юбориш ҳужжатлари (баланси)га мувофиқ тегишли қисмларда ўтади.

Агар корхонадан битта ёки бир нечта янги корхонани ажратиб чиқарилса, қайтадан ташкил этилган корхонанинг мулкӣ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўлиб юбориш ҳужжатлари (баланси) га мувофиқ тегишли қисмларда уларнинг ҳар бирига ўтказилади.

13. Тадбиркорлик корхоналари учун кадрлар тайёрлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари. Давлат тадбиркорлик корхоналари учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантиришни таъминлайди. қишлоқ жойлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан шуғулланувчи муассасалар ва ташкилотлар меъёрий (қонун) ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзлардан фойдаланадилар.

2 боб. Наманган вилояти иқтисодиётида тармоқлар бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиниши

2.1. Наманган вилояти иқтисодиёти тармоқларининг ривожланишида тадбиркорликни ўрни

Наманган вилояти кундан кунга ривожланиб, бормоқдаки, бу ривожланишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторининг алоҳида ўрни бор. Вилоят иқтисодиётининг реал секторлари – саноат, аграр ва капитал қурилиш соҳаларини ривожлантириш асосида барқарор иқтисодий ўсишга эришилмоқда. Иқтисодиётни барқарорлаштириш мақсадида пул массасини сунъий қисқартириш вазифаси ушбу соҳаларда пул айланишини меъёردа таъминланишига таъсир қилмаслик чоралари кўриб борилмоқда.

Сўнгги йилларда Наманган вилояти салоҳиятли ишлар амалга оширилди. Ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш Республикамизда 2010 йилда 8,5 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич суръати Наманган вилоятида 12,1 фоизни ташкил этди. Хусусий сектор фаолияти учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар, тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг қулайлашиб бораётгани иқтисодиётимиздаги ижобий силжишларнинг муҳим натижасидир.

Таҳлилларимизга кўра, 2001-2010 йиллар ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлар сони 54,8 фоизга кўпайиб, 31325 тани ташкил этган. Шулардан 87,9 фоизи кичик бизнес хўжаликлари ташкил этган. Кичик бизнес субъектларининг 11,5 фоизи кичик корхоналар ва 88,5 фоизи микрофирмалардан иборат. 2010 йилда ҳуқуқий мақомдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг 91,5 фоизи фаолият олиб борган. Рўйхатга олинган

корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалигига 51,2 фоизи, савдо ва умумий овқатланишга 14,5 фоизи, саноатга 7,4 фоизи, қурилишга 4,6 фоизи тўғри келган.

Кичик бизнес субъектларининг туманлар бўйича бўлган тақсимланишида эса Чуст туманига 10,4 фоиз, Чортоқ туманига 8,8 фоиз, Янгиқўрғон туманига 10,2 фоиз, Поп туманига 7,8 фоиз, Наманган шаҳрига эса 19,3 фоизи тўғри келган. Вилоятда 2010 йилда 1226 та хўжалик юритувчи субъектлар давлат рўйхатидан чиқарилган. Шулардан 70 таси йирик корхоналар ва 1156 таси ёки 94,3 фоизи кичик корхоналар ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келган. 2010 йилда 2629 та хусусий корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилган. Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг таркиби 2.1.1-жадвалда келтирилган.

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тегишли корхоналар сони 2005 йилга нисбатан олганда, 2010 йилга келиб 70,9 фоизга кўпайган. Бу ўзгариш вилоятдаги жами хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан олганда 3,5 пунктга кўп эканлигини кўрсатмоқда. Бу давр мобайнида айниқса микрофирмалар сони шиддат билан кўпайди ва солиштирилган йиллар ичида 2,1 мартага ошганлигини кўриш мумкин.

2.1.1-жадвал

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони ва таркиби ⁴


Кўрсаткичлар	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2010 йилни 2005 йилга нисбатан % ҳисобида
Ҳуқуқий шахслар жами:	18709	16381	25330	29340	29920	31325	167,4

⁴ Жадвал муаллиф томонидан Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Шу жумладан: кичик бизнес	16101	13918	24874	26139	26548	27525	170,9
Шу жумладан: кичик корхоналар	2131	1010	2077	2929	3414	3158	148,2
Микрофирмалар	11335	14968	22797	23210	23134	24367	2,1 М

2.1.1-расм

**Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик
субъектларининг 2009-2010 йилларга тегишли
сони ва таркибидаги динамикаси⁵**



Вилоят туманлари бўйича кичик бизнес жойлашуви таҳлили шуни кўрсатадики, энг кўпи Наманган шаҳрида 5126 та энг ками эса Норин туманида 1038 тани ташкил этган. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, туманлар бўйича ҳуқуқий мақомга эга бўлган корхоналарнинг жойлашуви турли даражада. Бунинг асосий сабаби кичик тадбиркорлик субъектларини ривожланишини туманларда табиий ва маҳаллий ресурслар билан таъминланишини эътиборга олмаслик ҳисобланади.

⁵ Жадвал муаллиф томонидан Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Кичик тадбиркорлик фаолиятлари билан шуғулланаётган корхоналарнинг асосий қисми 2010 йилда саноат тармоғида 15,0 фоизни, қишлоқ хўжалигида 19,8 фоизни, қурилишда 5,0 фоизни, савдода 39,2 фоизни, транспорт ва алоқа тармоғида 3,0 фоизни ташкил этган. Қолган 18,0 фоизи ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари, соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия, таълим, маданият ва санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларига тўғри келган.

Наманган вилояти 7,44 минг км² ер майдонига эга бўлиб, 2010 йилда унинг аҳолиси 2304,7 минг киши ташкил этиб, йиллик ўртача иқтисодиётда банд бўлганлар сони 815,3 минг кишини ташкил этган. Меҳнатга ресурслари сони ўтган йилга нисбатан 3,0 фоизга кўпайиб, 1328,5 минг кишини ташкил этган. Ялпи ҳудудий маҳсулот 2010 йилда 2426,6 млрд сўмни ташкил этди, 2009 йилга нисбатан 12,4 фоизга ўсган.

Наманган вилояти Республика ялпи миллий маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ўзининг қишлоқ хўжалиги, қурилиш учун зарур бўлган маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан маълум салоҳиятга эга.

2010 йилда вилоятда фаолият олиб бораётган жами корхоналар ҳажмида кичик бизнес субъектларининг улуши 87,8 фоизни, шу жумладан қишлоқ хўжалигида 98,3 фоизни, савдо ва умумий овқатланишда 98,7 фоизни, саноатда 98,0 фоизни, қурилишда 96,8 фоизни ҳамда транспорт ва алоқада 88,5 фоизни ташкил этган. Вилоятда кичик бизнес корхоналарининг ташкил этиш коэффиценти 9,0 фоизни, тугатиш коэффиценти 4,2 фоизни ташкил этган. Кичик бизнес корхоналарини ташкил этишнинг энг юқори коэффиценти Наманган шаҳрида 25,3 фоизни ташкил этган бўлса, энг юқори тугатиш коэффиценти Наманган шаҳрида 21,3 фоизни ташкил этган. Вилоят бўйича 2010 йил бошида фаолият кўрсатмаётган хўжалик юритувчи субъектлар 2668 тани ташкил этиб, шундан 2495 таси микрофирмаларга, 95 таси кичик корхоналарга ва 78 таси йирик корхоналарга тўғри келган. Кичик бизнес субъектлари томонидан 2010 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 43,0 фоизга кўпайиб 247870,0 млн. сўмни ташкил этган. Бу

кўрсаткич вилоят бўйича саноат маҳсулотини ўсишига нисбатан 19,3 фоиз ортиқдир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш 6,8 фоизга кўпайиб 1151100,1 млн. сўмни ташкил этди. Бу қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 99,0 фоизини ташкил этади.

Иқтисодиётни ривожланиши талаб ва таклиф қонунига риоя қилган ҳолда мулк турларига асосланган ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишни ўзаро иқтисодий жиҳатдан уйғунлаштириш зарур. Бозор иқтисодиёти шароитида кичик тадбиркорликни ривожлантириш тизимини шакллантиришда бизнинг фикримизча кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш муаммоларига жиддий эътибор бериш зарур.

Вилоятда кичик тадбиркорлик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда бозор инфратузилмаларининг роли ҳам катта аҳамиятга эга. Тадбиркорлик фаолият давлат томонидан белгиланган қонунлар ва ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорлар доирасида бўлиши керак.

Кичик тадбиркорлик ишлаб чиқаришини ривожланиши тадбиркорлар томонидан қабул қилинган мажбуриятларини бажаришлари ҳам ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан аҳамиятга эга. Аммо вилоятда рўйхатга олинган кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш корхоналари ҳар доим ҳам ўз фаолиятларини муваффақиятли бажара олмаяптилар.

Транспорт ва алоқа тизимида кичик тадбиркорлик субъектларининг салмоғини камчилигини асосий сабаблари бизнинг фикримизча қуйидагилардан иборат:

-вилоят туманларида шахсий транспортлар билан аҳолини таъминланишини талабга жавоб бермаслигидадир. Оқибатда транспорт ва алоқа хизматлари туманлар бўйича табақаланишига олиб келган. Транспорт ва алоқа хизматлари соҳасида кичик тадбиркорликнинг энг кам хиссаси Чортоқ туманига (75 фоиз) ва Наманган шаҳрига (81,9 фоиз) га тўғри келган бўлса, энг юқори кўрсаткич бу соҳа бўйича Косонсой туманига (95,3 фоиз) тўғри келган;

-транспорт ва алоқа хизматларини талабга нисбатан кам даражада туманларда ривожланиши банклар томонидан шахсий транспортларни олиш учун кредит олишнинг мураккаблиги ва кредит фоизининг юқорилиги;

-транспорт хизматлари учун зарур бўлган моддий – техника таъминоти даражасини етарли даражада қаноатлантирмаслиги ва автосервис хизматлари даражасининг пастлиги;

-транспорт хизматларини амалга ошираётган кичик тадбиркорлар манфаатларини солиқ ундирувчи, санитар, йўл қоидаларини назорат қилувчи ва бошқа йўналишда хизмат кўрсатувчи субъектлари қонунларга нисбатан ҳилоф ҳаракатларнинг мавжудлигидан иборатдир.

Аҳолига хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари таълим, маданият ва санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш ва соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ишлари бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш даражаси талабга жайоб бермайди.

Наманган вилояти 7,44 минг км² ер майдонига эга бўлиб, 2009 йилда унинг аҳолиси 2220,3 минг киши ташкил этиб, йиллик ўртача иқтисодиётда банд бўлганлар сони 763,8 минг кишини ташкил этган. Меҳнатга яроқли аҳоли сони ўтган йилга нисбатан 3,3 фоизга кўпайиб, 764,6 минг кишини ташкил этган. Аҳолининг жон бошига ўртача ойлик даромадлари 243,6 минг сўмни, харажатлари эса 187,4 минг сўмни ташкил этган. Ялпи ички ишлаб чиқарилган маҳсулот 2415,4 млрд сўмни ташкил этди, бу республика бўйича ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг 9,8 фоизи ташкил этган.

Наманган вилояти Республика ялпи миллий маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ўзининг қишлоқ хўжалиги, қурилиш учун зарур бўлган маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан маълум салоҳиятга эга.

2008 йилда вилоятда фаолият олиб бораётган жами корхоналар ҳажмида кичик бизнес субъектларининг улуши 87,8 фоизни, шу жумладан қишлоқ хўжалигида 98,0 фоизни, савдо ва умумий овқатланишда 98,0 фоизни, саноатда 96,0 фоизни, қурилишда 93,8 фоизни ҳамда транспорт ва алоқада 85,6 фоизни ташкил этган. Вилоятда кичик бизнес корхоналарининг ташкил

етиш коэффициенти 6,3 фоизни, тугатиш коэффициенти 17,8 фоизни ташкил этган. Кичик бизнес корхоналарини ташкил этишнинг энг юқори коэффициенти Мингбулоқ туманида 10,4 фоизни ташкил этган бўлса, энг юқори тугариш коэффициенти Наманган шаҳрида 46,1 фоизни ташкил этган. Вилоят бўйича 2010 йил бошида фаолият кўрсатмаётган хўжалик юритувчи субъектлар 2128 тани ташкил этиб, шундан 2128 таси микрофирмаларга, 99 таси кичик корхоналарга ва 78 таси йирик корхоналарга тўғри келган. Кичик бизнес субъектлари томонидан 2008 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 46,6 фоизга кўпайиб 101062,7 млн. сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич вилоят бўйича саноат маҳсулотини ўсишига нибатан 23,3 фоиз ортиқдир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш 5,7 фоизга кўпайиб 756788,2 млн. сўмни ташкил этди. Бу қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 98,5 фоизини ташкил этади.

Иқтисодий ривожланиши талаб ва тақлиф қонунига риоя қилган ҳолда мулк турларига асосланган ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишни ўзаро иқтисодий жиҳатдан уйғунлаштириш зарур. Бозор иқтисодиёти шароитида кичик тадбиркорликни ривожлантириш тизимини шакллантиришда бизнинг фикримизча кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш муаммоларига жиддий эътибор бериш зарур.

Вилоятда кичик тадбиркорлик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда бозор инфратузилмаларининг роли ҳам катта аҳамиятга эга. Тадбиркорлик фаолият давлат томонидан белгиланган қонунлар ва ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорлар доирасида бўлиши керак.

Кичик тадбиркорлик ишлаб чиқаришини ривожланиши тадбиркорлар томонидан қабул қилинган мажбуриятларини бажаришлари ҳам ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан аҳамиятга эга. Аммо вилоятда рўйхатга олинган кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш корхоналари ҳар доим ҳам ўз фаолиятларини мувоффақиятли бажара олмаяптилар.

Вилоятда кейинги йиллар ичида рўйхатга олинган ҳуқуқий кичик тадбиркорлик субъектлари 5,2 фоизга кўпайган бўлса, шу давр ичида ишга

тушурилган кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш ҳуқуқий субъектлар сони 4,2 фоизга камайган. Вилоятда 2008 йилда рўйхатдан ўтган ҳуқуқий кичик ишлаб чиқариш тадбиркор субъектлардан 4581 таси ўз фаолиятларини амалга оширганлар, рўйхатдан ўтган ва ўзларининг ишлаб чиқариш фаолиятларини амалга оширмаган ҳуқуқий мақомга эга бўлган кичик ишлаб чиқариш корхоналари шу давр ичида деярлик 2,0 баробарга кўпайган. Қуйида Наманган вилояти бўйича ҳуқуқий мақомга эга бўлган кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлик субъектларини тармоқлар бўйича ривожланиши келтирилган.

2.1.2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки ҳамма соҳаларда ҳуқуқий мақомга эга бўлган кичик тадбиркорлик субъектларини умумий тармоқлар ишлаб чиқаришидаги ҳиссалари ўсиб бормоқда. Лекин таҳлил қилинаётган давр ичида ҳуқуқий мақомга эга бўлган кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш субъектларининг тармоқлар бўйича салмоғларини ўзгаришларни кўриш мумкин. Шу давр ичида вилоятда кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатаётган субъектларнинг ялпи ички маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги салмоғи саноат тармоқларида 10,3 фоизга қишлоқ хўжалигида 26,1 фоизга, қурилишда 31,0 фоизга, савдода 9,9 фоизга, пуллик хизматлари миқдори эса 7,3 фоизга ўсган.

2.1.2-жадвал

Наманган вилояти иқтисодиётининг асосий тармоқлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажмида кичик тадбиркорлик салмоғи фоиз ҳисобида⁶

Тармоқлар	Йиллар					
	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Саноат	13,9	15,4	20,5	23,3	24,5	33,9
Қишлоқ хўжалиги	76,4	79,9	97,6	98,5	99,1	99,0
Қурилиш	69,9	74,3	69,8	79,2	79,2	85,5
Савдо	36,7	44,2	47,3	48,4	49,5	50,4
Пуллик хизмат	60,7	62,2	28,4	69,5	71,2	63,9


⁶ Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида турли мулкчилик шаклларига асосланган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларини субъектларни ривожланиб бориши улар ўртасида арзон ишлаб чиқариш воситаларига, хом-ашёларга, ишчи кучларига ва истеъмол бозорига бўлган эркин рақобатни кучайтиради ва у оқибатда маҳсулот бирлигига сарф этилаётган ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайишига олиб келади.

Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш субъектларини ишлаб чиқариш жараёнини ҳозирги замон ишлаб чиқариш технологиялари билан жиҳозлашга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини сифатини оширишга даъват этади.

2.1.2-расм

Наманган вилояти иқтисодиётининг асосий тармоқлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажмида кичик тадбиркорлик салмоғини ифодаловчи гистограмма⁷



⁷ Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Вилоятда кичик тадбиркорлик субъектлари йилдан йилга ҳар 1000 киши ҳисобига ҳам ўсиб бормоқда. Агарда 2002 йилда ҳар минг киши ҳисобига 5,9 та кичик тадбиркорлик субъектлари тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилга келиб 12 тани ташкил этди. Кичик бизнес корхоналарини ташкил этиш коэффициенти кейинги икки йил ичида 8,8 фоиздан 10,6 фоизга кўпайди. Аммо кичик бизнес корхоналарини тугатиш коэффициенти эса шу давр ичида 84 фоизни ташкил этган.

2.2. Вилоят иқтисодиёти тармоқларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражаси

Умуман иқтисодий таҳлил қилинаётган давр ичида вилоятда кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлиги билан шуғулланаётган субъектларнинг сонини ва уларнинг вилоят бўйича ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулотдаги ҳиссаларини ўсиб бориш бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни бу шаклларда ташкил этилиши ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлигининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти бозор муносабатлари шароитида қуйидагилар билан ифодалаш мумкин:

-бозор муносабатлари шароитида хусусий мулк негизида тадбиркорлик фаолиятларини ташкил этиш, ҳар бир тадбиркорни фойда олиш асосида ишлаб чиқаришни ташкил этишга даъват этади;

-кичик тадбиркорлик ишлаб чиқаришини юқори фойда олишга интилиши бу субъектлар ўртасида эркин рақобатга асосланиши ишлаб чиқариш маҳсулотлари сифатини оширишга ва таннархини арзонлаштиришга олиб келади.

Вилоятда иқтисодиётни барқарор ривожланиши унинг таркибий тузулишига боғлиқдир. Вилоят иқтисодиётини ташкил қилиниши авваламбор вилоят аҳолисини, эҳтиёжларини қаноатлантиришдан келиб чиқиши зарур. Вилоят иқтисодиёда ишлаб чиқариш тармоқларини таркибий жиҳатдан

такомиллаштириб бориш вилоятнинг хом-ашё захираларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш зарур.

Вилоятда мавжуд бўлган иқтисодий ва табиий ресурслардан қанчалик тежамкорлик асосида унумли фойдаланилса, ишлаб чиқариш субъектларини ва вилоят иқтисодиётини самарадорлик даражаси шунчалик ўсиб боради. Вилоятда иқтисодий ривожланиш макроиқтисодий, микроиқтисодий барқарорликка боғлиқ бўлади уни таъминлаш ва иқтисодиёт тармоқларининг тузилмай ўзгаришлари бозор иқтисодиёти қонунлари талаблари асосида амалга ошириш даражасига боғлиқ.

Тармоқлардаги тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишда белгиланаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳар бир босқичида унинг йўналишларида белгиланган ижтимоий-иқтисодий вазифаларни амалга ошириш мақсадидан келиб чиқиш зарур. Вилоят даражасида иқтисодиётни барқарор ривожланишни таъминлаш учун биринчи галда вилоят аҳолисининг эҳтиёжларини ва вилоятда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишни асосий мақсад қилиб олиш билан бирга ишлаб чиқариш ресурсларининг жойлашувига монан кичик ишлаб чиқариш субъектлари ишлаб чиқаришларини ташкил этиш керак. Вилоят иқтисодиёти Республика миллий иқтисодиётининг бир қисмидир.

Вилоятда кичик тадбиркорлик микрофирмалар якка тадбиркорлик шаклларида ишлаб чиқаришни вилоятда бозор муносабатлари талаблари асосида ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан шаклланиши Республиканинг иқтисодий стратегик ривожланиши мақсадларига мос равишда шаклланаётганлигини ифода этади.

Вилоят минтақавий иқтисодиётини барқарор иқтисодий инқирозсиз ривожланиб бориши ишлаб чиқаришни туманлар бўйича жойлаштириш ва ривожланишини ташкил этиш уларнинг маҳаллий ресурслар билан таъминлаш даражасига боғлиқ.

Ишлаб чиқариш тармоқларини маҳаллий ишлаб чиқариш ресурсларига асосланиши билан бирга ундан тежамкорлик асосида самарали фойдаланиш

зарур. Кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун вилоятда зарур бўлган шароитлар мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат:

-аҳолини ижтимоий – иқтисодий жиҳатдан ахволларини яхшилаш бозор иқтисодиёти шароитида кичик тадбиркорликни вилоятда мавжуд бўлган табиий хом ашё ресурсларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш энг асосий йўллардан бири эканлигини англаб олишларида;

-кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил топиши тадбиркор субъектларда мулкка бўлган эгаликни, таъминлашида, мулкларга бўлган муносабатни тўлиқ ўзгартиришда;

-кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш жараёни билан шуғулланувчи субъектларни ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш мақсадида хўжалик битмларида белгиланган муддатда сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқишларида;

- кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш субъектларини сонини ўсиб бориши, ишлаб чиқариш иш ўринларини ўсиб боришида ва ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайиши билан боғлиқлигида кўриш мумкин.

Наманган вилоятида кичик тадбиркорлик субъектларида банд бўлган меҳнатга яроқли ишлаб чиқариш ходимлари сони қуйидаги 2.2.1-жадвалида келтирилган.

2.2.1-жадвал

Наманган вилоятида кичик тадбиркорлик субъектларида банд бўлганлар сони минг киши ҳисобида⁸

Кўрсаткичлар	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2010 й. 2009 й.га нисбатан %
Жами банд бўлганлар	680,1	692,7	738,7	763,2	788,9	815,3	103,3
Кичик тадбиркорликда	400,1	452,5	541,3	583,5	615,7	639,1	103,8
Фуқароларнинг хусусий мулки ундан	315,8	369	278,9	326,4	328,3	532,0	162,0

⁸ Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.


Кичик корхоналарда	18,2	24,0	52,3	67,0	66,4	63,3	95,3
Микрофирмаларда	54,2	66,8	81,3	86,1	58,2	63,0	108,2
Якка тадбиркорликда	243,4	278,2	407,7	430,4	434,5	405,7	93,4

Вилоятда таҳлил этилаётган даврда банд бўлганлар 3,3 фоизга кўпайган. Шулардан кичик тадбиркорликда банд бўлганлар 3,8 фоизга ортган. Ундан микрофирмаларда банд бўлганлар деярли 8,2 фоизга кўпайган.

2.2.1-расм

**Наманган вилоятида кичик тадбиркорлик субъектларида
банд бўлганлар сонининг динамикаси⁹
(минг киши ҳисобида)**

⁹ Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.



Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш жойлари билан таъминлаш асосан кичик тадбиркорлик субъектларини сонларини ошиши билан ва уларда ишлаб чиқариш жараёнларини кенгайтиб бориши билан боғлиқдир.

Вилоятда кичик тадбиркорлик субъектларини ривожланиб бориши ишчи кучларини бандлик даражасини ошириб боришни асоси эканлиги кўриниб турибди.

Вилоятда ўтказилган таҳлил маълумотлари шуни кўрсатадики 2002-2009 йилларда ўртача умумий жами банд бўлганларнинг 47,5 фоизи кичик

тадбиркорлик фаолиятига тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 78,4 фоизни ташкил этган.

Вилоятда кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлигини ривожланишини самарадорлиги: биринчидан, истеъмол бозорларини зарур бўлган истеъмол товарлари ва хизматлари билан таъминлашга ва бозорнинг истеъмол даражасига боғлиқ ифодаланади;

Иккинчидан, ишлаб чиқариш жараёни учун зарур бўлган хом ашё ва ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланиш даражасига боғлиқ;

Учинчидан, кичик тадбиркорликни ишлаб чиқариш жараёнларини қайси йўналишларини ривожлантириш зарур эканлигини аниқлашга;

Тўртинчидан, кичик тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг самарадорлиги оширишда уларнинг иқтисодий манфаатдорлигини ўсиб боришига боғлиқдир.

Наманган вилоятида ишлаб чиқариш субъектлари томонидан ялпи, оралиқ ва қўшимча маҳсулот қиймати таҳлил этилаётган даврда ўсган. Жумладан, 2002-2010 йиллар ичида ялпи маҳсулот қиймати 674437,5 млн. сўмдан 4290105,2 млн. сўмга ёки 6,4 баробарга, оралиқ маҳсулотлари қиймати 320469,8 млн. сўмдан 1863484,4 млн. сўмга ёки 5,8 баробарга, қўшимча қиймат маҳсулотлари эса 353967,7 млн. сўмдан 2426620,8 млн. сўмга ёки 6,9 баробарга кўпайган.

Кичик тадбиркорлик субъектлари бўйича кичик корхоналар субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати 53,1 фоизга, микрофирмалар бўйича эса 67,2 фоизга кўпайган. Вилоятнинг айрим туманларида жойлашган микрофирмалар ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини секин ўсишининг асосий сабаби микрофирмалар хар доим ҳам ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом-ашёлар билан ўзларини таъминлай олмасликлари ишлаб чиқариш воситаларини такомиллаштиришда бўлган молиявий қийинчиликлар ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларининг сифатлари жиҳатидан харидоргир бўлмасликларидан иборатдир.

**Наманган вилоятида кичик тадбиркорлик
субъектлари томонидан саноат маҳсулотларини
ишлаб чиқарилиши (млн. сўм ҳисобида)**

Туманлар	2004 йил				2010 йил			
	жами	Шу жумла- дан кичик тадбир- корлик	шундан		жами	Шу жумла- дан кичик тадбир- корлик	Шундан	
			Кичик корхо- налар	Микро фирма- лар			Кичик корхона лар	Микро- фирма- лар
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Мингбулок	7747,3	338,3	-	58,3	24751,4	2571,0	116,2	473,1
Косонсой	6027,2	953,4	222,7	149,5	25172,1	14708,0	7511,0	3351,2
Наманган	11437,0	3607,2	1657,5	1543,8	49650,7	27091,1	19202,2	4942,3
Норин	6052,9	1911,9	1110,2	545,3	23936,8	5280,4	2336,3	629,2
Поп	33333,8	2099,9	278,1	1341,2	52029,6	4597,4	336,8	519,0
Турақўрғон	8600,9	1113,7	486,9	191,9	41502,1	14421,9	8681,7	2719,2
Уйчи	11201,9	923,8	480,9	223,8	45195,5	16828,4	5336,2	7972,1
Учқўрғон	21127,2	552,3	147,4	44,8	104844,6	12921,2	2969,8	6955,4
Чортоқ	7956,9	2043,2	1074,7	222,9	11273,4	9032,9	3240,4	694,5
Чуст	8467,1	2798,9	2294,4	78,5	32478,3	11553,7	7105,2	1131,1
Янгиқўрғон	8226,3	1302,1	132,7	724,0	12845,6	6107,9	1416,7	610,1
Наманган шаҳар	91354,2	13020,6	2271,4	5981,9	324991,3	122756,2	37248,8	19120,1
Жами:	221532,7	30665,3	10156,9	11105,9	748671,4	247870,0	95501,3	49117,2

Вилоят бўйича 2010 йил кичик тадбиркорликнинг (бизнес) улуши 76,0 фоизни, жумладан кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши 36,3 фоизни, деҳқон хўжаликларида 50,6 фоизни, яқка тадбиркорликда эса 24,3 фоизни ташкил этади.

Кичик тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқариш фаолиятларини самарали ривожланишини таъминлаш учун тармоқ тузилишини ҳар бир ички иқтисодий минтақадан келиб чиққан ҳолда, яъни уларни хом-ашё ресурслари билан таъминланишини ишчи кучларининг салоҳияти даражаларини

эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш ва уларнинг ривожланишини оптимал нисбатларда олиб бориш зарур.

Айрим иқтисодчи олимлар «Ривожланган мамлакатларда кичик бизнесни ривожлантиришдан мақсад аҳолини бандлигини ва даромадларини оширишдан иборат. Унга бюджетни тўлдирувчи сифатида қаралмайди»¹⁰ деб баҳо берадилар.

Бизнинг фикримизча эркинлаштирилган бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес тадбиркорлигини ривожлантиришдан мақсад на фақат аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадларини оширишдан балки давлат бюджетини тўлдирувчи асосий ишлаб чиқариш йўналишларидан бири деб қараш зарур деб ҳисоблаймиз.

Вилоят кичик тадбиркорлик субъектлари ўзларининг ишлаб чиқарилган маҳсулотларини экспорт қилишда ҳам фаол қатнашмоқдалар. Кичик тадбиркорлик субъектларининг экспорт ва импорт ҳажмларининг ўсиши қуйидаги (2.2.3-жадвал)да келтирилган.

Наманган вилояти туманлари ва Наманган шаҳридаги кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан олиб борилган ташқи иқтисодий фаолиятлари шуни кўрсатадики, уларнинг экспорт иқтисодий фаолиятлари импорт йўналишидаги фаолиятларига нисбатан устун даражага эга.

Айниқса экспорт йўналишидаги иқтисодий фаолият вилоятнинг Наманган, Поп, Чортоқ, Чуст туманларида ва Наманган шаҳри бўйича ижобий сальдога эга.

2.2.3-жадвал

**Наманган вилоятининг шаҳар ва туманлари бўйича 2010 йил
январ-декабр ойларида кичик тадбиркорлик бизнес
субъектларининг ташқи савдо айланмаси¹¹**

¹⁰ Қодиров А., Турсунов А. ва бошқалар. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида кичик бизнеснинг самарадорлигини ошириш. –Т.: ТДТУ, 2006. 46 бет.


¹¹ Жадвал муаллиф томонидан Наманган вилоят статистика бошқармаси томонидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

(минг АҚШ доллари)

Шаҳар ва туманлар	Ташқи савдо айланмаси	Шу жумладан кичик тадбиркорлик	Шундан		Ўсиш суръатлари %			Умумий ҳажмдаги улуши %		
			Кичик корхоналар	микро-фирмалар	Кичик тадбиркорлик (бизнес)	Кичик корхоналар	Микро-фирмалар	Кичик тадбиркорлик (бизнес)	Кичик корхоналар	Микро-фирмалар
Мингбулоқ	3771,6	63,8	63,8	0,0	57,3	5,7	0,0	1,7	1,7	0,0
Косонсой	6140,7	1517,6	1465,6	52,0	120,6	88,7	253,7	24,7	23,9	0,8
Наманган	24448,3	8449,1	6004,0	2445,1	166,2	208,3	70,0	34,6	24,6	10,0
Норин	3972,4	1371,0	1371,0	0,0	128,1	1852,7	0,0	34,5	34,5	0,0
Поп	14426,8	209,5	153,0	56,5	104,8	1561,2	11,6	1,5	1,1	0,4
Турақўрғон	6862,0	1146,7	1146,7	0,0	53,3	128,3	0,0	16,7	16,7	0,0
Уйчи	8255,3	2597,0	1018,8	1578,2	143,1	361,5	108,4	31,5	12,3	19,1
Учқўрғон	5850,3	1060,0	1060,0	0,0	101,6	87,6	0,0	18,1	18,1	0,0
Чортоқ	2316,0	2314,8	2298,9	15,9	53,1	54,0	90,3	99,9	99,3	0,7
Чуст	271593,8	262326,0	3929,4	258396,6	4142,7	557,1	86856,0	96,6	1,4	95,1
Янгиқўрғон	19253,6	18608,7	18590,5	18,2	135,1	140,7	32,5	96,7	96,6	0,1
Наманаган шаҳар	99250,5	26707,7	16241,5	10466,2	144,0	210,9	211,3	26,9	16,4	10,5
Вилоят бўйича	474369,9	334600,6	53343,2	273028,7	255,5	156,9	2447,5	70,5	11,2	57,6

2.2.2-расм

2010 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган ташқи савдо айланмаси



Кичик тадбиркорлик фаолиятида экспорт йўналишида фойдаланилмаган захиралар етарли даражада. Айрим, Мингбулок, Норин, Поп, Тўрақўрғон Учқўрғон, Янгиқўрғон туманларида ва Наманган шаҳрида кичик тадбиркорлик ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун ишлаб чиқариш захиралари мавжуд бўлсада, ишлаб чиқаришнинг бу йўналиши талабга мутлақо жавоб бермайди.

Вилоятнинг айрим туманлари бўйича кичик корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятларидаги экспорт ва импорт нисбатларини нисбий сальдода бўлиши бу туманларда кичик ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантиришга эътибор бермаслик оқибатидир деб ҳисоблаш мумкин.

2.3. Маҳаллий иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан тартибга солишда юзага келган муаммолар

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг институтционал тизимлари яратилган. Уларнинг асосий вазифалари тадбиркорлик субъектларини эркин рақобат асосида иқтисодий жиҳатдан ривожланиб боришини таъминлашдан иборатдир.

Вилоятда кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш фаолиятларини ривожлантириш йўлида маълум ижобий ишлар амалга оширилган бўлса-да, уни янада ривожлантириш йўлида бажарилмаган, ўз ечими билан талабга жавоб бера олмаган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий-ташкилий йўналишда ҳал қилинмаган муаммолар мавжуд. Булар қуйидагилардан иборат:

-кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлик фаолиятини истиқболли режалаштириш ва ривожлантиришнинг методологик асосларини иқтисодий ҳудудлар (яъни туманлар) хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилмаганлиги;

-кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлигининг ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича натурал ва қиймат кўринишларида

махсулотларни, бажарилган хизматларни ҳисобга олиш, уни ялпи ишлаб чиқаришдаги салмоғини ҳисоблаш тизимини тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги;

-махаллий бошқарув муассасалари кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлик фаолиятларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни чуқур таҳлил қилиш ва уни ҳал этиш масалаларига етарли даражада эътибор бермаслиги;

-кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлигини ривожлантиришда лизинг, факторинг хизматларидан фойдаланишни яхши йўлга қўйилмаганлигидан иборатдир.

Давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятини иқтисодий–ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб–қувватлаш, уларнинг фаолиятида кутилаётган хавф-хатарларни олдини олиш катта аҳамият эга. Аммо тадбиркорлик фаолиятини ривожланиши ва самарадор бўлишини фақат давлат томонидан қўллаб–қувватлашга боғлиқ дейиш ҳам тўғри бўлмайди.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожланиши давлат муассасалари билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг шаклланиш даражасига боғлиқдир. Унинг самарадорлик даражасини ошиши, бизнингча, энг аввало турли мулкчилик шаклларига асосланган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тўғри ташкил этилишига боғлиқдир. Бу ҳақида иқтисодчи В.Карлсон: “Саноат сиёсати бу давлат ва хусусий сектор ташкилотларининг фаолиятларини узвий равишда ташкил этиш, ишлаб чиқариш ва инвестиция соҳасида қарорлар қабул қилиш, инсон омили ва инфратузилмаларини ривожлантириш, миллий ишлаб чиқаришни миқдорий ва сифатий даражада қўллаш учун ташқи савдо шароитларини яратиш зарур”, деган эди ¹¹.

Ўз навбатида давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятини тартибга солинишида қуйидаги омилларни эътиборга олиш объектив равишда зарур бўлади:

¹¹ Карлсон Р. Что знают экономисты. Основы экономической политики на 1990-е годы в перспективе. –М.: 1993. С. 213.

- ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий ресурслар, ишлаб чиқариш воситаларининг чекланганлиги;

- ҳар қандай иқтисодий шароитда, шу жумладан бозор иқтисодиёти шароитида ҳам олиб борилаётган иқтисодий ижтимоий муаммолар тегишлича ҳал этиб бориши лозимлиги;

- моддий ресурсларни ҳамма ҳолларда ҳам бозор тамойиллари асосида тақсимлашнинг имконини йўқлиги;

- тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда нафақат ҳозирги давр эҳтиёжларини, балки келгуси истиқбол эҳтиёжларини ҳар назарда тутиш зарур.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик фаолиятига оид муаммоларнинг макроиқтисодий даражадаги мужассамлаштирилган ҳолда амалда ҳал этиш ечимларини ишлаб чиқиш мумкин. Бу ҳудуднинг чекланган ишлаб чиқариш, моддий – пул ва инсон омилларидан унумли фойдаланишни, иқтисодиётни самарадорлигини таъминлайди. Чунки ички иқтисодиётни ривожлантириш учун зарур бўлган илғор давлатларнинг ишлаб чиқариш технологиялари муаммосини фақат давлатлар даражаси ҳал этиш ва иқтисодиётни ривожлантириш учун олиб келишга йўл очиб беради. Бу ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат унумдорлигини оширишни, маҳсулот сифатини жаҳон стандартлари талаблари даражасида жавоб беришини таъминлайди.

Бу муаммони фақат давлат иштирокида самарали ҳал этиш мумкин, чунки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ҳар қандай кичик, корхоналар ёки микрофирмалар уни фақат ўз кучлари билан ҳал эта олмайдилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини ривожланишида илм-фан тараққиёти катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам давлатнинг илм-фанни ривожлантиришда ўрни катта. Илм-фан тараққиётига зарур бўлган маблағлар билан таъминлаш нафақат давлатнинг асосий вазифаларидан бири бўлиши керак, балки бу йўналишда маҳаллий бошқарув идоралари ҳам фаол қатнашуви керак. Наманган вилоятида 2009 йилда фан ва

илмий хизмат кўрсатиш корхоналари улуши умумий кичик бизнес субъектларида 0,1 фоизни ташкил этган.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда давлат уларни иқтисодий жиҳатдан манфаатдорлик даражаларини оширишлари билан бирга маъмурий–ташкилий жиҳатдан ҳар томонлама рағбатлантириш усулларини такомиллаштириб боришлари керак. Лекин, шу билан бирга тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши уларга доимий равишда хомийлик қилишга айланмаслиги керак.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришда давлат тадбиркорлик тўғрисида қабул қилинган қонунлар доирасидан ташқари ҳолатда давлат, унинг марказий ва маҳаллий муассасалари тадбиркорларнинг хўжалик фаолиятларига аралашмаслиги, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи турли мулкчилик шаклидаги ишлаб чиқариш корхоналарининг пул-кредит муносабатларини амалга оширишида, моддий-техника таъминотида, меҳнат ресурсларига бўлган талабини қондиришда тенг ҳуқуқли бўлишини таъминлаши лозим.

Фикримизча, иқтисодиётнинг замонавий таркиби ишлаб чиқариш ҳаражатларини тежаш, қатъий технологик ва молиявий интизом асосида юқори сифатли рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни назарда тутади. Бозор иқтисодиёти шароитида бозор инфратузилмаси шу жумладан, молия-кредит тизими тадбиркорликнинг ривожланишига жуда кучли таъсир этмоқда.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг инвестиция фаоллигини, иқтисодиётнинг замонавий тузилмасини яратишни таъминловчи тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг мамлакат минтақаларига жалб этишини қатъий рағбатлантириш зарур.

Кичик тадбиркорлик фаолиятлари дастлабки босқичда кўпроқ тижорат товарларини олди-сотди муаммолари жараёнида олиб берилган бўлсада, ҳозирги пайтда тадбиркорликни ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантиришга, вилоятда мавжуд бўлган хом-ашёлардан унумли

фойдаланиб, экспортга тайёр маҳсулотларни товар шаклида чиқаришга тўлақонли йўналтирмасдан туриб, унинг иқтисодиётдаги роли ҳақида сўз юритиш тўғри бўлмайди.

Маълумки, иқтисодиётимиз тараққиёти учун зарур бўлган маҳсулотлар икки гуруҳга, яъни доимий равишда етарли маҳсулотларга ва камёб (дефицит) маҳсулотларга бўлинади. Бунинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

- айрим муҳим маҳсулотларни ишлаб чиқариш монопол корхоналар қўлида эканлиги;
- собиқ иқтисодий тизимнинг емирилиши натижасида айрим зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё манбаларининг чет эл иқтисодий минтақаларида қолиши;
- муайян сабабларга кўра паст нархлар белгиланган маҳсулотларни ноқонуний четга олиб чиқиб кетишига уринишлар;
- чет мамлакатлардан айрим хом ашёларни ва ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш технологияларини олиб келиш муаммоларини мавжудлигидир.

Шу сабабли кичик бизнес субъектлари ўзларининг тадбиркорлик фаолиятида вилоят миқёсидаги ўзига ҳос жиҳатларни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этиши учун қуйидагиларни аниқлаб олишлари лозим:

- тадбиркор, аввало, тадбиркор сифатида тадбиркорликнинг маълум бир соҳасига кириб олиши ва фаолият юритишига ишонч ҳосил қилиши керак;
- тадбиркорлик фаолиятининг натижаси унинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш учун даромад олишини таъминлай оладими – йўқми ва уни қандай амалга ошириш зарурлигини аниқламоқ зарур.

Аммо бозордаги аҳволнинг турли кутилмаган омиллар таъсирида ўзгариб туриши ва бошқа объектив сабаблар тадбиркорликни олиб боришда

муайян муаммоларни келтириб чиқаради. Бунинг асосий сабаблари, бизнинг фикримизча, қуйидагилардан иборат:

-бозор талаби ҳамма вақт, доимий равишда талаб ва таклиф қонуни асосида ўзгариб туради;

-бозор ва ишлаб чиқариш вақт жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун бозордаги иқтисодий механизмлар таъсири натижасидаги ўзгаришлар ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этиш йўли билан унинг таркибий тузилишига тезлик билан таъсир эта олмайди.

Тадбиркорлик фаолиятининг самарали олиб борилиши, тадбиркорнинг ўзига боғлиқ бўлмаган ташқи шарт-шароитларга ҳам боғлиқ. Уларнинг йиғиндиси тадбиркорлик фаолиятининг ташқи муҳитини ташкил этади. Бу ўринда биз икки омилни ҳал қилувчи деб ҳисоблаймиз;

- ҳуқуқий омил;
- сиёсий омил.

Ҳуқуқий омил, бу давлат томонидан қабул қилинган қонунлар асосида тадбиркорлик фаолиятини белгилаб беришда ифодаланган. Албатта, бу қонунлар тадбиркорлик фаолиятини ҳимоялаши ва рағбатлантириши лозим. Аксарият тадбиркорлар қонуний фаолият юритишни ўзлаштиришлари шарт. Чунки, жамиятнинг ривожланиб боришида давлат томонидан кўрилатган чора-тадбирлар ана шундай қонуний ва меъёрий ҳужжатлар билан иқтисодий ислохотларни такомиллашиб боришига олиб келади. Аммо муаммо шуки, кўпчилик тадбиркорлар қонуний хатти-ҳаракатларни амалга оширишда ҳуқуқий билимлари етарли бўлмаяпти. Натижада, тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахс ўз ҳаққини талаб қила олмайдиган заиф фаолият юритишга мажбур бўлиб қолмоқда. Бу эса ўз навбатида иқтисодий ривожланишга ўзига хос салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Сиёсий омил бу — давлатнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширилишидаги ҳозирги ҳолатга бўлган муносабатида ифодаланади. Чунки давлат ўзининг қонун ва қарорлари билан тадбиркорлик фаолиятига, унинг

ишлаб чиқариш жараёнларига омманинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда таъсир этади.

Сиёсий омил нафақат сиёсий муҳитга, балки ижтимоий муҳитга ҳам боғлиқдир. Ижтимоий муҳит бу асосан жамият аъзоларининг ижтимоий ва иқтисодий яшаш даражаларида ифодаланади. Ижтимоий муҳитнинг иқтисодий минтакаларда қай даражада эканлигини қуйидаги омиллар асосида аниқлаш мумкин:

- жамиятнинг қай йўналишда ривожланиши, унинг мақсади;
- миллий урф-одатларга риоя қилиниши;
- миллатнинг маълумот даражаси;
- миллий бойлик;
- миллий маданиятнинг хусусиятлари;
- ишчи кучларининг касб-хунар бўйича тайёргарлик даражалари;
- тадбиркор ва тадбиркорлик фаолиятига бўлган жамоатчиликнинг муносабати;
- ижтимоий-иқтисодий инфраструктуранинг мавжудлиги.

Иқтисодий омил тадбиркорлик фаолиятида тадбиркорлар ўртасида бозор иқтисодиёти механизмлари остида талаб ва таклиф асосида ишлаб чиқариш воситалари, хом ашёлари, иш кучлари ва тайёр товар маҳсулотларига ёки кўрсатилаётган хизматларга шаклланадиган баҳоларда ва тадбиркорлар ўртасидаги рақобатда ифодаланади.

Иқтисодий омил ҳам, сиёсий омил ҳам тадбиркорлик фаолиятини олиб боришда у ёки бу даражадаги муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бу омилларнинг таъсиридаги муаммоларни бартараф этиш тадбиркорнинг билим даражасига боғлиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қайд этиш мумкинки, маҳаллий иқтисодиётнинг турли тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик турлича ривожланган. Шунинг учун ҳам ушбу субъектларнинг улушлари турли тармоқларда бир хил эмас (2.3.1-жадвал).

**Наманган вилояти иқтисодиётининг тармоқларида
кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик
субъектларининг улуши¹**

№ т/р	Кўрсаткичлар номлари	Ўл- чов бир- лиги	2009 йил	2010 йил	2009 йилга нис- батан %да	2011 йил 1-чорак прогноз	2010 й. 1-чоракка нисб. ўсиш суръати
1	ЯХМ даги улуши	%	71,0	73,1	х	73,3	х
2	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	млн сўм	125,9	128,6	102,1	32,7	107,8
	жами саноатдаги улуши	%	23,6	33,9	х	34,5	х
3	Қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳажми	млн сўм	764,6	771,5	100,9	177	101,2
	Қишлоқ хўжалигидаги улуши	%	98,7	99,0	х	99,1	х
4	Қурилиш ишлари ҳажми	млн сўм	163,5	165,7	101,3	38,1	100,8
	Қурилишдаги улуши	%	78,6	85,5	х	85,7	х
5	Чакана савдо ҳажми	млн сўм	447,3	451,2	100,9	114,2	101,1
	Чакана савдодаги улуши	%	46,7	50,4	х	50,8	х
6	Жами хизмат кўрсатиш ҳажми	млн сўм	83,5	85,6	102,6	20,7	101,8
	Жами хизмат кўрсатишдаги улуши	%	64,1	64,2	х	64,4	х

Агар Наманган вилояти иқтисодиётининг тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улушини таҳлил этадиган бўлсак, устувор ривожланиш хизмат кўрсатиш соҳасида рўй бераётганлигини аниқ билиш мумкин. 2.3.1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, бу соҳада

¹ Жадвал муаллиф томонидан Наманган вилоят статистика бошқаримаси томонидан олинган маълумотлар асосида ҳисоблаб тузилган. Жадвалдаги кўрсаткичлар фермер хўжаликларини ҳисобга олмаган ҳолда кўрсатилган.

бажарилган иш ҳажми 2010 йил ҳолатида ўтган йилга нисбатан олганда 102,6 фоизга тўғри келган. Бошқача айтганда, агар 2009 йилда вилоят миқёсидаги хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик бизнес субъектлари 83,5 млн. сўмлик хизмат кўрсатишни амалга оширган бўлсалар, 2010 йилда худди шу кўрсаткич 85,6 млн. сўмни ташкил этди. Бир йилдаги ўсиш 2,1 млн. сўмни ташкил этди.

Вилоят бўйича олганда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жами хизмат кўрсатишдаги улуши 2009 йилдаги 64,1 фоиздан 2010 йилда 64,2 фоизга етди.

Вилоятда қурилиш соҳасида ҳам талайгина ишлар амалга оширилди. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг хиссаси жуда катта. Ҳозирги кундаги Наманган шаҳри бундан 5-6 йил аввалги ҳолатидаги кўринишдан жуда катта фарқ қилади. Чунки вилоятда амалга оширилиган қурилишларнинг чеки йўқ. Бугунги кунда қурилиш соҳасидаги бу жараёнлар давом этмоқда. Масалан, 2009 йилда вилоятдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган. Қурилиш ишлари ҳажми 163,5 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб худди шу кўрсаткич 165,7 млн. сўмни ташкил этди. Бу эса 2010 йилнинг ўтган йилга нисбатида 101,3 фоизга ошганлигини кўрсатмоқда. 2011 йилнинг биринчи чорагидаги истиқбол (прогноз) ҳолатида 38,1 фоиз деб белгиланди. Бу эса 2010 йилнинг биринчи чорагига нисбатан олганда 100,8 фоизга тенг бўлган ўсиш суръатини кўрсатмоқда.

Наманган вилояти бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётнинг тармоқларида бажараётган ишларнинг ҳажмида қишлоқ хўжалиги ва чакана савдода сустроқ бўлмоқда. Аммо ўсиш суръати мавжуд.

Худди шу таҳлилларимизни вилоятнинг туманлари бўйича давом эттирадиган бўлсак, бунда ҳам турли туманларда иқтисодиётнинг тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишида ҳар хил ҳолатни кўришимиз мумкин. Масалан, 2.3.2-жадвалда вилоят иқтисодиётининг асосий тармоқларида кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорликнинг турлича ривожланганлигини кўрамиз. Эътиборлиси шундаки, вилоят миқёсида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010 йил ҳолатида 76,0 фоизни ташкил этган. Бу эса Республикадаги худди шундай кўрсаткичга нисбатан олганда 23,5 фоизга кўп эканлигини кўриш мумкин. Бугунги кунда Республика бўйича олганда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши бўйича Наманган вилояти учинчи ўринда туради.

2.3.2-жадвал

Наманган вилоятининг туманлари бўйича иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши¹

№	Шаҳар, туманлар	Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг улуши								
		Ялпи ҳудудий маҳсулот	Саноат маҳсулотлари	Қишлоқ ҳўжалик ялпи маҳсулоти	Қурилиш ишлари	Чакана савдо айланмаси	Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	Жами хизматлар	Юк ташиш	Йўловчи ташиш
1	Наманган шаҳри	х	39,7	98,6	71,3	57,6	76,0	64,1	66,5	63,2
2	Мингбулоқ	х	10,4	99,7	99,5	38,6	39,3	68,1	58,1	90,9
3	Косонсой	х	58,4	98,9	99,3	51,0	45,2	59,2	96,8	98,8
4	Наманган	х	54,6	99,0	79,7	85,8	50,2	70,2	55,5	89,8
5	Норин	х	22,1	99,7	100,0	57,0	47,1	72,8	98,8	98,4
6	Поп	х	8,8	98,0	80,0	64,7	39,9	50,1	79,1	97,7
7	Тўрақўрғон	х	34,7	98,5	95,6	32,9	37,2	61,5	60,0	100,0
8	Уйчи	х	37,2	97,3	92,9	28,7	41,8	46,8	42,8	100,0
9	Учқўрғон	х	12,3	99,2	94,2	66,7	42,8	67,9	26,2	88,9
10	Чортоқ	х	80,1	99,3	88,3	72,9	35,8	57,7	85,2	99,2
11	Чуст	х	35,6	99,5	89,3	23,1	47,8	63,4	32,5	97,6
12	Янгиқўрғон	х	47,5	99,9	87,6	43,1	30,2	65,1	70,1	96,7
Вилоят бўйича		76,0	33,9	99,0	85,5	50,4	63,9	64,2	57,7	79,2

¹ Жадвал муаллиф томонидан Наманган вилоят статистика бошқаримаси томонидан олинган маълумотлар асосида ҳисоблаб тузилган.

Бирок, шундай бўлишига қарамай вилоят тадбиркорларининг иқтисодий фаолиятларида муаммолар учрайди. Масалан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган экспорт ҳажми 2010 йил ҳолатида 2009 йилга нисбатан олганда атиги 3,6 пунктга ошганлигини кўришимиз мумкин. Бу ерда муаммо шундан иборатки, миллий иқтисодиётимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар халқаро бозорларда ҳали ўз ўрнини топа олганича йўқ.

2.3.3-жадвал

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг асосий кўрсаткичлари¹

№	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2009 йилга нисбатан %да	2011 йил 1-чорак прогноз	2010 й. 1-чоракка нисб. ўсиш суръати
1	Иқтисодиётда бандликдаги кичик бизнеснинг улуши	%	77,8	78,4	х	78,6	х
2	Кичик бизнесда маҳсулот экспортининг ҳажми	млн долл.	30,9	32,0	103,6	5,2	114,2
3	Кичик бизнесда маҳсулот импортининг ҳажми	млн долл.	22,1	38,8	175,4	9,6	129,6
4	Худуд экспортида ҚК ва микрофирмалар салмоғи	%	30,9	44,0	х	44,7	х
5	Худуд импортида ҚК ва микрофирмалар салмоғи	%	45,1	45,6	х	46,9	х
6	Кичик бизнес субъектлари томонидан яратилган янги ишчи ўринлари	бирлик	22082	22126	100,2	4900	104,1
7	1000 кишига тўғри келадиган кичик бизнес субъектлари сони	бирлик	11,0	11,1	100,9	11,2	х

Бунинг устига импортнинг ҳажми йилдан йилга ошиб бормокда. Аслида олганда экспортнинг ўсиш суръати импортнинг ўсиш суръатидан катта

¹ Жадвал муаллиф томонидан Наманган вилоят статистика бошқаримаси томонидан олинган маълумотлар асосида ҳисоблаб тузилган. Жадвалдаги кўрсаткичлар фермер хўжаликларини ҳисобга олмаган ҳолда кўрсатилган.

бўлгани мақсадга мувофиқдир. Шундагина ташқи савдода ижобий имкониятларимиз кенгайиб боришига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Аммо бугунги кундаги савб-ҳаракатларда ижобий натижаларга эришиб бормоқдамиз деб ҳисоблаш мумкин.

2.3.3-жадвалдан яна шуни англаш мумкинки, вилоят бўйича олганда ҳар 1000 кишига тўғри келадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъеклари сони сустр ошиб бормоқда. Чунончи, 2009 йилда ҳар 1000 кишига тўғри келадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъеклари сони 11 га тенг бўлган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич атиги 0,1 пунктга кўпайган холос. Бу эса жуда кичик ўзгариш бўлиб, ривожланиш йўлида янада кўшимча чора-тадбирлар кўриш лозимлигини тақазо этади.

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги муаммолардан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сонида ўсиш тенденциясининг сустрлигидир. Буни 2.2.4-жадвалдан яққол кўриш мумкин. Вилоят бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони жадал ошишига тўсқинлик қиладиган омиллар мавжуд.

Бугунги кунда вилоятда фаолият кўрсатмаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 2009 йилга нисбатан олганда 2,2 пунктга ошган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари таркибидаги кичик корхоналар сонида фаолият кўрсатмаганлари айниқса кўпроқни ташкил этди ва 2009 йилга нисбатан олганда 4,7 пунктга ошганлигини билдиради.

Вилоятдаги микрофирмаларнинг сонида ҳам фаолият олиб бормаганларининг салмоғи ошган. Бундай ҳолатни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда у ёки бу даражадаги муаммоларнинг таъсири борлиги билан тушунтириш мумкин. Ушбу муаммоларни олдини олиш бугунги кунда жуда муҳимдир.

Маълумки, 2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб аталди. Ушбу йилда бу соҳадаги муаммоларни олидини олишга жиддий ҳаракат қилиш керак.

**Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорлик субъектларининг сони¹**

№	Курсаткичлар номлари	Ўлчов бир- лиги	2009 йил	2010 йил		2009 йилга нисба- тан %да	2011 йил 1-чорак	
				прог- ноз	ҳақи- катда		прог- ноз	2010 й. 1-чоракка нисб. ўсиш суръати
1.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркор- лик субъектлари сони	бирлик	20191	21000	21094	104,5	21778	104,8
	<i>шундан:</i>							
	Фаолият кўрсатаётгани	бирлик	18183	19000	19040	104,7	19798	105,1
	Фаолият кўрсатмаётгани	минг киши	2008	2000	2054	102,2	1980	101,8
	Ҳисобот даврида ўз фаолиятини тўхтатганлари	бирлик	1151	1150	1156	100,4	150	100,6
	шу жумладан:							
2.	Кичик корхоналари сони	бирлик	2570	2640	2659	103,4	2720	103,8
	Фаолият кўрсатаётгани	бирлик	2340	2400	2418	103,3	2485	102,8
	Фаолият кўрсатмаётгани	минг киши	230	240	241	104,7	235	104,3
	Ҳисобот даврида ўз фаолиятини тўхтатганлари	бирлик	190	190	193	101,7	25	101,4
3.	Микрофирмалар сони	бирлик	17621	18360	18435	104,6	19058	105,2
	Фаолият кўрсатаётгани	бирлик	15843	16600	16622	104,9	17313	104,2
	Фаолият кўрсатмаётгани	минг киши	1778	1760	1813	101,9	1745	101,2
	Ҳисобот даврида ўз фаолиятини тўхтатганлари	бирлик	961	960	963	100,1	125	100,4

¹ Жадвал муаллиф томонидан Наманган вилоят статистика бошқаримаси томонидан олинган маълумотлар асосида ҳисоблаб тузилган. Жадвалдаги кўрсаткичлар фермер хўжаликларини ҳисобга олмаган ҳолда кўрсатилган.

3-боб. Иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишни янада такомиллаштириш йўналишлари

3.1. Иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат механизми таъсирида тартибга солишни яхшилаш

Бугунги кунда давлат механизми фаолиятини қуйидаги йўналишларда яққол кўра оламиз:

1. Давлат томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар. Буларга тадбиркорлик ва бизнесга оид қабул қилинган Қонунлар, Фармонлар, қарорлар ва шу каби бошқа ҳужжатлар киради. Меъёрий ҳужжатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг юридик қоидаларини белгилайди. Энг муҳими, бу ҳужжатларда бир-бирига зид бўлган қарорларни қабул қилишга йўл қўймасликка ва меъёрий база (асос)ни доимо такомиллаштириб боришга йўналтириш керак.

2. Фискал сиёсат орқали тартибга солиш.

3. Пул-кредит тизими орқали тартибга солиш.

«Биламизки, солиқлар давлат бюджети билан маҳаллий бюджетларни тўлдиришнинг асосий манбаидир. Солиқлар кенг қамровли, айти пайтда ҳар бир соҳа, тармоқ ва корхонага алоҳида қайишқоқ ва шароитга мослашувчан бўлиши зарур»¹. Шу туфайли ҳукуматимиз томонидан фискал-бюджет сиёсатини юритишдан кўзланган мақсад солиқлар миқдорини кўпайтирмай, давлат ва жамият манфаатдорлигини таъминлашдан иборат бўлмоқда.

Солиқ тизимидаги ислоҳотлар йилдан йилга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг миқдор жиҳатдан кўпайишига олиб келди. Шу билан бир қаторда жисмоний шахсларнинг ҳам даромадлари оша борди. Масалан, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ставкаси 2002 йилда энг кам иш ҳақининг 4 бараваригача – 13%, 4–8 бараварида – 23%, 8 дан юқорисига – 33% қилиб белгиланган эди. 2009 йилда эса энг кам иш ҳақининг

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1993. 116-бет.

6 бараваригача – 12%, 6–10 бараваригача – 17%, 10 бараваридан юқорисига – 22% қилиб белгилаб қўйилди¹.

2010 йилда мазкур субъектларга айрим солиқ имтиёзлари берилиши баробарида хўжалик юритувчи субъектларни текширишлар сонини қискартириш ва уларнинг эркин фаолият юритишлари учун янада қулай шароитлар яратиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Шу жумладан, Давлат солиқ хизмати органлари томонидан режали тарзда текширилиши мўлжалланган корхоналар сони 62 фоизга қискартирилди.

Солиқ кодексининг 70-моддасига биноан камерал назорат усулидан фойдаланган ҳолда, давлат солиқ хизмати органларидаги мавжуд ҳисоботларни бошқа органлардан олинган маълумотлар билан солиштириш орқали солиқ тўловчилар фаолияти устидан назорат олиб борилди. Таҳлил натижаларига кўра, хато ва камчиликларга йўл қўйган тадбиркорга йўл қўйган хато ва камчиликлари тушунтирилиб, уларни бартараф этиш лозимлиги тўғрисида талабнома юборилди. Ҳукумат раҳбарлигида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган бундай саъй-ҳаракатлар, берилаётган имтиёз ва енгилликлар тадбиркорларнинг эркин фаолият олиб боришлари учун ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлайди.

2011 йилдан кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови 7 фоиздан 6 фоизга пасайтирилади. Бу ўз навбатида бозор субъектлари учун 50 млрд. сўмдан ортиқ маблағни тежаш имконини беради. Демак, солиштирилган тегишли йилларда солиқ юки оқилона туширилган.

Шунга қарамай, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича қабул қилинган дастурларда янада кенг ва қулай имкониятлар яратилиб бориляпти. Бу дастурларда мамлакатимиз ишлаб чиқариш корхоналари учун кенг кўламли рағбатлантириш тизими назарда тутилганлиги юқоридаги фикрларимизнинг далилидир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишни янада эркинлаштириш мақсадида 2012 йилнинг 1 январь ойига қадар солиқ ва божхона имтиёзлари қуйидагича белгиланмоқда¹:

- гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналар учун бўшаган маблағларни ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишга мақсадли равишда йўналтириш шарти билан ягона солиқ тўлови ставкасини 50 фоизга қисқартириш;

- тайёр ноозик-овқат товарларининг муайян турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни фойда ва мулк солиқларидан, микрофирма ва кичик корхоналарни ягона солиқ тўловидан озод қилиш.

Фикримизча, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишда солиқ тизимининг аҳамияти катта. Шунинг учун Ўзбекистонда таъсирчан солиқ механизмини шундай жорий этиш керакки, у монопол оқибатларни чеклаш, илмий-техника тараққиётини таъминлаш, ишлаб чиқариш аппаратини тез янгиланиши учун имконият яратиш ва тармоқлар ўртасида тўғри мувозанатни сақлашга йўналтирилиши зарурдир.

Умуман, 1996–2011 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари 6,3 мартага (38% дан 6%гача) қисқарди. Буларнинг барчаси шаҳар ва қишлоқлардаги кичик бизнес корхоналарининг иқтисодий фаолиятини яхшилаш мақсадида қўшимча шароитлар яратишдан иборатдир.

Сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қуйидаги имтиёзлар ва преференциялар берилган:

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисоб-китобларни тақдим этиш тизими мукамаллаштирилди, яъни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этишнинг ҳар ойликдан ҳар чорақлик тизимига ўтказилди.

¹ Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишининг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. 35-бет.

2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш тизими содалаштирилди, яъни тўрт хил тўлов ўрнига ягона солиқ тўлови кўринишидаги битта тўлов жорий этилди. Бунда солиқ юки пасайиш тенденциясини олган. Масалан, «2009 йилда кичик саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилди, якка тартибдаги тадбиркорлар учун эса қайд этилган солиқ миқдори ўртача 1,3 баравар камайтирилди»¹.

3. Тадбиркорлик фаолиятининг турлари қисқартирилди ва уларни амалга ошириш учун рухсат берувчи процедуралар содалаштирилди.

4. Текширувлар қисқартирилиб, мукаммаллаштирилмоқда. Текширишлар сонини 30 фоизгача қисқартириш кўзланиб, бошқа бир қатор аниқ ва манзилли амалий рағбатлантиришлар қабул қилинди.

5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлики субъектларини рўйхатга олишнинг «бир ойнадан» деб номланган тезкор тизим жорий этилди. Бу тизим қондасига кўра рўйхатдан ўтказишнинг умумий муддати икки иш кунидан ошмаслиги шарт.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 17 апрелдаги ПҚ–325-сон ва 2007 йил 21 майдаги ПҚ–640-сон Қарорларида кўзда тутилган хизматлар соҳаси корхоналари учун имтиёзлар 2012 йил 1 январгача узайтирилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг 20 га яқин қарорлари билан имтиёзлар берилган².

Таъкидлаш керакки, Президентнинг 2010 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига асосан, 2011 йилдан бошлаб республикада жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларининг 6 баробаридан 5 баробарига туширилиб, солиқ ставкаси 11%дан 10%га камайтирилди. Ўрта шакласи энг

¹ Каримов И. А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010. 42-бет.

² Маълумот 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига тўғри.

кам иш ҳақининг 10 баробари миқдоригача, солиқ ставкаси 17%дан 16%гача пасайтирилди. Юқори шкаласи эса энг кам иш ҳақининг 10 баробаридан юқори бўлган тақдирда, 22% ставкада солиқ ҳисоблаш сақлаб қолинди. Қабул қилинган имтиёзлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини солиқ тизими орқали тартибга солинишида муҳим аҳамият касб этиб, ушбу секторни жадал ривожланишига олиб келди.

Ҳукумат томонидан олиб борилган монетар сиёсат натижасида мамлакатда фаолият кўрсатаётган 30 та тижорат банки томонидан бир йилдан ортиқ муддатга берилган кредитлар салмоғи 2009 йил мобайнида 70 фоизни ташкил этди. Бу жараён жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этиш ва банк-молия тизимини мустаҳкамлашга молиявий замин яратди.

Ҳозирги кунда Республикамизнинг йирик тижорат банкларида кредитларнинг активлари ҳажмидаги салмоғи 55–60 фоизни ташкил этмоқда¹. Бу эса мамлакат миқёсида олиб борилаётган монетар сиёсат, миллий иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш, кредит қўйилмалари қолдиғининг ўсиши ва таваккалчиликнинг оқилона бошқарилишини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар натижасидир. Ҳар йили банкларда кредит сиёсати йўналишларини мустақил равишда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш амалиёти жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикасида банк тизими фаолиятини кенгайтириш ва тижорат банкларининг ўрни ва аҳамиятини ошириш мақсадида қабул қилинган ҳукумат фармонлари ва қарорлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан янада кенгроқ қўллаб-қувватлашга олиб келмоқда. Масалан, «Микрокредитбанк» очик акциядорлик-тижорат банкининг 81 та филиали, 272 та минибанки ва 24 та агентликлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига малакали хизмат кўрсатиб, 2009 йилда бошланғич сармоялар учун 12,5 млрд. сўмдан ортиқ, янги ташкил

¹ Муаллифнинг 2010 йилнинг сентябрь ойларига тўғри келган ҳисоблари.

этилган корхоналар фаолиятини кенгайтиришга 51,1 млрд. сўмдан кўпроқ миқдорда кредитлар ажратди.

2010 йил якунига келиб, мазкур банк ўз фаолияти давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 268 млрд. сўмлик микромолиявий хизматларни, 68 млрд. сўмлик микролизинг хизматларини амалга оширди. Бунинг натижасида 346 мингта яқин янги иш ўринлари яратилди¹.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида (2009 йилда) банкларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига молиявий жиҳатдан кўмак бериш учун, тижорат банклари томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадларига 670 млрд. сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажратилди.

Президент И. А. Каримовнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар демократик тамойилларга асосланганлиги ва иқтисодиётни эркинлаштиришга йўналтирилганлиги тўғрисидаги сўзлаган нутқларидан шуни англаш мумкинки, мулкчилик шакли ўзгариб, ислохотлар тобора чуқурлашиб борса-да, аммо раҳбарнинг фикрлаш тарзи ўзгармасдан қолмоқда². Бу эса тадбиркорларнинг ўз соҳаларида фаолият кўрсатишларига ҳам салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Бироқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишни янада такомиллаштириш лозим. Таклифимиз шундан иборатки, Савдо-саноат палатаси фаолиятини яхшилаш мақсадида унга тадбиркорларни рўйхатга олиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқдир. Чунки, айнан шу ташкилот кичик бизнес субъектлари фаолиятини самарали ташкиллаштиришда уларга яқиндан ёрдам бера олиш имкониятига эга. Ушбу ташкилот бевосита кичик бизнес субъектларига ўзининг таъсирини кўрсата олиши керак. Бунинг учун эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

¹ Мазкур банк маълумотлари асосида муаллиф ҳисоблари. Маълумотлар 2010 йил 1 декабрь ҳолатига тўғри.

² Изоҳ: Бу соҳада Республика Президент И. А. Каримовнинг 2004 йил мобайнида Андижон, Фарғона, Наманган, Сурхондарё, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларидаги халқ депутатлари кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқларини эслаб ўтиш керак.

субъектларининг шу ташкилот билан алоқа қилишларига мойилликлари шаклланган бўлиши даркор.

Бундан ташқари, кичик бизнес секторини ривожлантириш соҳасида мавжуд барча тўсиқларни бартараф этиб, ишлаб чиқариш ва экспорт тизимида кичик ва хусусий корхоналар фаолиятини рағбатлантириш зарур. Бу ишни ташкил этишда биринчи навбатда вилоят ва туман Ҳокимликларининг, хўжалик раҳбарларининг масъулиятини ошириш билан биргаликда, Республика Савдо-саноат Палатасининг вилоятларда жойлашган бўлимларида фаолликни кучайтириш лозим.

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш, унинг роли ва функцияларини ошириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай бозор субъекти давлатнинг воситалари асосидаги тартибга солишнинг янгича андозаларидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Чунки бошқарувчи шахсларнинг ўзи ҳам рақобатлашишга мослашиб, ўз билимини такомиллаштириб бормоқдалар. Бунда давлатнинг роли ва функцияларини модернизация қилиш ва эркинлаштириш асосида замонавий менежментнинг бундан буён ҳам ўрганадиган тамойиллари, қонуниятларини жорий этмоқ мақсадга мувофиқдир. Сабаби кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришнинг ўзи такомиллашиб, ривожланиб боровчи жараёндир. Шу туфайли аксарият раҳбарлар ўз бошқарувини ташкил этаётганда «раҳбарликнинг ёки бошқарувнинг барча сирларини ўзлаштириб бўлганман», деган хулоса чиқаришга шошилмайдилар.

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида маҳаллий бошқарув идораларининг ролини оширишда энг аввало унда банд бўлган раҳбар кадрларнинг малакасини ошириб бориш зарур. Уларнинг иқтисодиётни эркинлаштириш масаласида энг аввало кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка асосланган корхоналарни ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларни қўллаш зарур бўлади. Агар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни раҳбарларининг фикрини

ўрганиш юзасидан ўтказилган ижтимоий тадқиқотларимиз натижаларига эътибор берадиган бўлсак, юқоридаги фикрларимизни амалий жиҳатдан тасдиқлаймиз.

Замонавий менежментнинг такомиллашувида иқтисодий маданият етарли даражада шаклланганлигини тасдиқловчи далиллар бўлиши керак. Шундагина кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида раҳбарлик қилиш ва хўжалик юритишда субъектив салбий ҳолатларнинг келиб чиқишига чек қўйилади. Агар бундай жараёнлар амалиётда қўлланилса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини бошқариш ва хўжалик юритиш субъектларининг манфаатларига асоссиз путур етказилмайди, эркин иқтисодий фаолият доираси кенгаяди ва бошқарув тизимининг мукамаллигига эришилади. Бунинг учун эса изчил иқтисодий тарбия ишлари тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишимиз зарур.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, иқтисодиётнинг барча тармоқларида фаолият кўрсатаётган раҳбар кадрлар янгича иқтисодий фикрлашга эришишлари лозим. Ҳар соҳада юксак малакали кадрларни янгича иқтисодий фикрлайдиган даражада тайёрлаб бориш – бугунги кун талабидир.

Бундай салоҳиятли ишларни амалга ошириш учун барча ўқув юртларида, мактабларда замонавий иқтисодиёт ҳақидаги билимларни ўргатиш-ўрганиш ва бу фанлардан имтиҳонлар жорий этишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бу, мақсаднинг бир томонидир. Мақсаднинг иккинчи томони, иқтисодиёт фанларини ўқитиш учун шу соҳанинг малакали мутахассисларини жалб этиш талаб этилади.

Маълумки, Наманган вилоятида радио, телевидение ва матбуот соҳалари ҳам яхши ривожланган. Мақсадимиз шуки, иқтисодий билимларнинг кенг тарғиботи ва ташвиқотини амалга ошириш учун оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш имкониятларини топишимиз зарур. Далил сифатида айтиш мумкинки, ҳозирги кунга қадар вилоят телевиденияси томонидан иқтисодий билимларни тарғиботи билан машғул бўлган бирорта кўрсатув яратилмаган.

Фикримизча, бундай ҳолатларга ҳам йўл қўймаслик керак. Телевидения ходимлари ва маҳаллий миқёсдаги олий ўқув юртларининг етакчи профессор-ўқитувчилари ҳамкорлигида иқтисодий билимларни, бошқарув сирларини ўргатишга доир мулоҳазали кўрсатувларни узлуксиз кўрсатиб бориш имкониятига эришиш мумкин. Бундан ташқари иқтисодиёт билан боғлиқ радио эшитиришларини ҳам ташкил этиш имкониятлари йўқ эмас. Наманган вилоятида бундай шароитларни яратиш учун келиб чиқадиган мураккаб вазиятларни олдини олиш мумкин.

Қолаверса, маҳаллий матбуот рўзномаларида ҳам юқоридаги фикрларимизни давом эттирувчи мақолалар ва мулоҳазали фикрларни чоп этиб бориш зарур. Энг эътиборлиси, вилоят миқёсида вилоят ҳокимлиги томонидан бошқарув соҳасига оид ва бу соҳани ривожлантириш билан боғлиқ ойлик илмий оммабоп журнални чоп этишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги тавсияларимиз туфайли аҳолининг иқтисодий саводхонлигини ошириш мақсадида мунтазам чоп этилаётган қонун ҳужжатлари билан тегишли идора ва ташкилотлар томонидан яқиндан таништириб борилади. Бу эса бозор муносабатларининг янада ривожланишига олиб келади. Шу билан бирга бошқарувнинг янгидан янги замонавий услублари ишлаб чиқилади.

Шуни алоҳида айтиш керакки, бозор иқтисодиёти муносабатлари жараёнида ошкоралик тамойилари устувордир. Шунинг учун ошкораликни таъминлаш биринчи даражали устувор вазифаларимиздан бўлиб қолмоғи лозим.

Энг муҳими бошқа давлатларнинг иқтисодий тажрибаларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жаҳоннинг ривожланган давлатларида ишлаб чиқилган бошқарув моделларини ўрганиш, уларнинг ижобий томонларидан фойдаланиш ва салбий томонларини таҳлил этиш орқали тўғри хулоса чиқириш катта аҳамиятга эга. Чунки АҚШ, Германия, Япония каби мамлакатларда иқтисодиётни бошқариш бўйича раҳбарларга

тааллуқли бўлган ва ўрганса арзийдиган тажриба ортирилган. Бу каби давлатларда айни даврда бошқарувни янада такомиллашувига олиб келувчи услубларни ишлаб чиқиш ва бу услубларнинг замонавийлигини оммалаштириш чора-тадбирлари яхши кўрилган.

Жуда кўп рахбар кадрларимиз дунёнинг ана шундай ривожланган мамлакатларида хизмат сафарларида, малака ошириш ўқишларда, анжуманларда, тажриба алмашилиш тадбирларида катнашиб, бошқарув соҳасидаги янгиликларни ўрганиб қайтмоқдалар. Ҳукуматимиз томонидан бундай чора-тадбирларни янада кучайтириш зарур.

Замонавий менежментни янада такомиллаштириш йўналишлари ҳақида ўз таклифларимизни берар эканмиз, бозор субъектлари ўртасида ўзаро иқтисодий хулқни шакллантириш ва рағбатлантириш лозим. Иқтисодий хулқ бу иқтисодий муносабатлар жараёнида шаклланадиган ва фақат ўзаро муносабатдаги шахсларга тегишли бўлган олди-сотди, шартномалар тузиш, воситачилик муносабатлари ва энг муҳими бошқаришда рахбарлар томонидан эътиборга олиниши зарур бўлган одоб-ахлоқ меъёрларидир.

3.2. Маҳаллийлаштириш дастурларини бажариш орқали кичик бизнес субъектларининг янада ривожлантириш имкониятлари

2010 йилда иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг прогноз параметрларига эришиш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, таркибий тузилишини такомиллаштириш каби ўзаро боғланган вазифаларни ҳал этишда маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш муҳим рол ўйнайди.

2010 йилда ҳукумат раҳбарияти томонидан “маҳаллийлаштириш асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилга нисбатан 40 фоизга ўсиши, шу борада экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг улуши эса камида

12 фоизни ташкил қилиши лозим.”лиги¹ қайд этилган эди ва бу борада салоҳиятли ишлар амалга оширилди.

Президентимиз И.Каримов шу йилнинг 21 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилнинг асосий якунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида маърузада “2011 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши суръатлари 108,3 фоиз, саноатдаги ўсиш - 109,3 фоиз, қишлоқ хўжалигида - 105,8 фоиз ҳажмида бўлиши кўзда тутилмоқда”².

Маҳаллийлаштириш – импорт қилинадиган тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материалларни мамлакатда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали унга бўлган ички талабни қондириш ва экспортини йўлга қўйиш. Ҳозирда янги лойиҳаларни Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш, ўзини оқламаган, истикболсиз лойиҳаларни дастурдан чиқариш, лойиҳалар параметрларига ўзгартиришлар киритиш механизмлари такомиллаштириб бориш бўлмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 декабрдаги 1236-сонли Қарори билан Маҳаллийлаштириш дастурини тузиш тартиби такомиллаштирилди, бу жараёнда давлат бошқарув органлари ва лойиҳалар ташаббускорларининг асосий функциялари ва ваколатлари аниқ белгилаб берилди, дастурга киритилган лойиҳалар мониторингини олиб бориш тартиби жорий этилди³.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш амалга оширилаётган ислохотларимизнинг асосий бўғини ҳисобланади. Чунки, биринчидан, кичик бизнес ривожланган жаҳон иқтисодиётининг таркибини ташкил этувчи тармоқ ҳисобланади. Унинг фаолияти нафақат йирик

¹ Каримов. И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

² Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011. 22 бет.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 бет.

бизнеснинг, балки бутун мамлакат иқтисодиётининг муваффақиятли ривожланишига бевосита таъсир қилади. Бундан ташқари ички бозорнинг истеъмол товарлари билан тўлдирилиши ва аҳолига турли хизматлар кўрсатилиши, экспорт салоҳиятининг ўсиши, аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг реал даромадларини кўпайтириш масалаларининг ечими ҳам ана шу тармоқнинг нечоғлик барқарор ривожланишига боғлиқ. Иккинчидан, иқтисодиётнинг глобаллашуви жарёнида жаҳон бозорида рақобат янада кучаяди. Бундай шароитда кичик бизнесни йирик ишлаб чиқарувчиларга нисбатан капитал маблағ сарфини ҳам талаб қилиши, ихчамлиги билан бир қаторда, зарур тамойилларга, бозор конъюктурасининг ўзгарувчан талабларга ҳамда вақти-вақти билан бўлиб турадиган иқтисодий инқирозларга тезроқ мослаша олиши, ишлаб чиқариш қувватларини жадал модернизация қилиш имкониятига эга.

Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантириш ва рағбатлантиришда изчил давлат сиёсати олиб борилиб, ижобий натижаларга эришилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 22 июндаги № ПҚ-386 сонли «2006-2008 йилларда маҳаллий хом-ашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури» қарори билан тасдиқланган.

Шунингдек, маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2006 йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 марта кўп маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига эришилган. Дастур доирасида вилоятлар тасарруфидаги 91 та корхоналар негизида жами 138 та лойиҳа киритилган бўлиб, 2007 йил I-чорак учун режа 69,5 млрд.сўм ҳажмида белгиланган. Амалда 71 та корхона негизидаги 102 та лойиҳалар бўйича 59,8 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган ва режа 86% га бажарилган ва 86 та корхоналар негизида жами 121 та лойиҳа киритилган бўлиб, 2007 йил I-чорак учун режа 60,4 млрд.сўм ҳажмида белгиланган. Амалда 68 та корхона негизидаги 92 та лойиҳалар бўйича 57,4 млрд.сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган ва режа 95% га бажарилган.

Ушбу дастурнинг асосий мақсади иқтисодиётнинг жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш, унинг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларига янги, самарали технологияларни тадбиқ қилишни жадаллаштириш, маҳаллий хом-ашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш, шунинг асосида замонавий рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, валюта маблағларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш, шунингдек кичик бизнесни ривожлантириш орқали янги иш жойларини яратиш ҳисобланади.

Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар 2009 йилнинг 1 январигача:

– четдан олиб келинадиган технология ускуналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек республикамізда ишлаб чиқарилмайдиган, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги технология жараёнида фойдаланиладиган компонентлар учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно) яъни импорт учун бож тўловидан озод этилиши;

– маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан олинган даромад (фойда) солиғи, ягона солиқ тўлови (соддалаштирилган солиқ тизими қўлланиладиган субъектлар учун) ва қўшилган қиймат солиғи тўловини тўлашдан озод этилиши;

– маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинади.

Маълумки, мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида 2007 йилда маҳаллийлаштириш Дастурига асосан 170 та корхона негизида 288 та лойиҳа бўйича молиялаштириш жараёнини амалга оширилиши мўлжалланган бўлиб, ишлаб чиқариш режаси 1587,8 млрд. сўм ҳажмида белгиланган. Шу жумладан, 904,3 млрд. сўм ҳажмидаги 8 та лойиҳа бўйича ишлаб чиқариш Дастур имтиёзларисиз амалга оширилди. 249 та лойиҳа бўйича имтиёзлар тақдим этилган ва ишлаб чиқариш ҳажми

637,1 млрд. сўм даражасида режалаштирилган. 31 та лойиҳа бўйича имтиёзлар, лойиҳа ташаббускорларини тендер савдолари ёлиби деб эълон қилинган тақдирда берилади (ишлаб чиқариш ҳажми - 46,4 млрд. сўм).

2010 йилда эса маҳаллийлаштириш дастури доирасида 1 минг 76 та лойиҳа амалга оширилди. “Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баробар ошди, импорт ўрнини босиш бўйича якуний самарадорлик 3 миллиард 400 миллион долларни ташкил қилди ва бу 2009 йилга нисбатан 1,2 баробар кўп демакдир”¹.

Маҳаллийлаштириш дастурларини бажаришда кичик бизнес субъектларининг ўрнини ошириш имкониятлари таъминлаш қуйидагиларга бевосита боғлиқ:

- кичик бизнес тармоғида маҳаллий хомашёни қайта ишлашни кенгайтириш, ишлаб турган корхоналарни замонавийлаштириш ва янгиларини ташкил этиш хисобига иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш;

- кичик бизнесни ташкил этиш орқали янги ишчи ўринларини яратиш;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини ва мамлакатимиз корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш;

- дастурга киритиш учун лойиҳаларни танлаш ва уларнинг паспортларини тўлдириш механизми;

- дастурга янги лойиҳаларни киритиш тартиби;

- лойиҳаларнинг параметрларига ўзгартиришлар киритиш тартиби;

- дастурнинг бажарилиши юзасидан мониторинг механизминини ташкил этиш.

Маҳаллийлаштириш дастурини бажаришда кичик бизнес субъектлари лойиҳаларни танлашда қуйидаги тамойилларга эътибор беришлари мақсадга мувофиқ:

- лойиҳа маҳаллийлаштириш дастурининг мақсад ва вазифаларига мувофиқ бўлиши лозим;

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: 2011. Ўзбекистон 8 бет.

- лойиҳани амалга ошириш имконияти (ташаббускор ушбу лойиҳани амалга ошира оладими ёки йўқми);
- ишлаб чиқариш режалаштирилаётган маҳсулотга бозорда талаб борми;
- маҳаллийлаштириш талаб этиладиган даражасига эришиш имкониятлари;
- лойиҳани амалга оширишнинг умум иқтисодий мақсадга мувофиқлиги;
- ташаббускорда маркетинг концепциясининг мавжудлиги;
- Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотиш, шу жумладан экспорт қилиш имтиқболи;
- лойиҳани молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига амалга оширилган ҳолларда иқтисодий самарадорликнинг келиши;
- лойиҳани молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига амалга оширилган ёки тижорат банкларининг кредитлари жалб этилган ҳолларда лойиҳанинг иқтисодий асосланганлигини, молиялаштиришнинг таклиф этилаётган схемаси мақбуллиги, таваккалчиликларни баҳолаш ва кредитнинг қайтарилиши.

Кўп йилга мўлжалланган маҳаллийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва унинг бажарилишини мониторинг қилиш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, юқорида келтирилган тамойилларнинг бирортасига жавоб бера олмаганга, лойиҳа кейинчалик белгиланган прогноз кўрсаткичларининг бажарилмаслигига олиб келиши тайин. Шунингдек, кўпчилик лойиҳалар ташаббускорларида тегишли маркетинг концепцияси мавжуд эмаслиги ва бозор талаби етарли даражада ўрганилмаганлиги сабабли ишлаб чиқарилган маҳсулотлар омборхонада қолиб кетмоқда. Баъзи бир лойиҳалар бўйича эса маҳаллийлаштириш даражасининг талаб этилган даражасига эриша олмаслик ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш учун лойиҳа ташаббускорлари билан ҳамкорликда маҳаллийлаштириш лойиҳаларининг паспортларини тўлдириб, Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва Ташқи

иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментига тақдим этилади. Вазирлар Маҳкамасининг Департаменти лойиҳанинг мақсади, молиялаштириш манбалари ва моҳиятидан келиб чиқиб Иқтисодиёт вазирлиги, ТИАИС вазирлиги, Молия вазирлиги ва ваколатли банкка юборади. Ваколатли экспертиза органлари тақдим этилган лойиҳа хужжатларини икки ҳафта муддатда кўриб чиқиб ўз хулосаларини тақдим этишади. Департамент тушган таклифларни ваколатли органларнинг хулосалари билан биргаликда умумлаштириш ва уларни кўриб чиқиш учун маҳаллийлаштириш Дастурини амалга ошириш бўйича Махсус комиссияга тақдим этади.

Маҳаллийлишлаштириш дастурларини амалга ошириш ва Дастурга янги лойиҳаларни киритиш бўйича:

- Махсус комиссия Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари иштирокида тушган таклифларни кўриб чиқади ҳамда Маҳаллийлаштириш дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида мажлис қарори қабул қилади;
- Махсус комиссиянинг мажлис қарори асосида департамент Маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқади;
- Вазирлар Маҳкамасининг Маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тўғрисидаги қарори Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан имзоланади

Ҳозирги бозорга ўтиш шароитида саноат таркибидаги корхоналар ҳали етарли даражада ўзаро рақобатлашаётгани йўқ. Бундай ҳолни маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномаларни тузишдаги камчиликларда, рақобат даражасининг ҳали етарлиги эмаслигида, истеъмолчилар томонидан буюртмачиларнинг кечикиб берилишида кўриш мумкин. Бозор шароитида корхоналар мустақил равишда ташқи иқтисодий алоқаларни кўчайтиришлари лозим. Бу борада кичик бизнесни ривожлантириш борасида маҳаллийлаштириш дастурларидан фойдаланиш ва ишаб чиқаришни барқарор

ривожлантириш борасида инвестицияларни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Давлат статистика қумитасининг маълумотларига кура 2007 йил январ-март ойлари якуни бўйича Дастурнинг бажарилиши 120,5% ни ташкил этиб, 140 та корхона негизида амалга оширилаётган 220 лойиха бўйича 478,3 млрд. сум хажмида махсулотлар ишлаб чиқарилган. 389,5 млн. долл. хажмидаги эркин муомаладаги валюта иқтисод қилиб қолingan ва кичик бизнес тармоғида 447 та янги иш уринлари яратилди.

Маҳаллийлаштириш Дастурининг бажарилиши бўйича мониторингни олиб бориш мақсадида Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги ва бошқа тегишли идораларни қамраб олган мониторинг тизими ишлаб чиқилган ва қўлланилиб келинмоқда.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш жоизки, маҳаллийлаштириш дастурини амалга киритиш кичик бизнесни ривожлантиришда муҳим туртки бўлиб хизмат қилади. Қайси минтақада кичик бизнес ва уни рағбатлантириш механизми яхши ташкил этилган бўлса, шу минтақада янги кичик бизнес субъектлари кўпроқ, пайдо бўлади. Бу эса, ўз навбатида, янги иш жойларини яратиш ва шу орқали иш билан бандлик муаммоси бир қадар ҳал этилишига эришишни, аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш имкониятлари пайдо бўлишини, солиқлар тушумининг кўпайишини, маҳаллий бюджет даромадларининг ўсишини, иқтисодиётда соғлом рақобат муҳитининг яратилиши ҳамда турли секторлар орасидаги ўзаро алоқаларнинг мустаҳкамлигини таъминлайди.

3.3. Ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш

Мамлакатимиз стратегик ва устивор вазифаларининг бирдан-бир мақсади, ички ва ташқи аҳволимизни танқидий кўз билан чуқур таҳлил қилиб, устивор йўналишларимизни белгилаб олиш ва уларни бажаришга киришиб

бориш. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш механизмини такомиллаштириш бўйича ҳам давлатимиз сиёсатида иқтисодий жihatдан йўналтирилган стратегик ва устувор вазифалар белгиланган.

Республика Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интиломда» рисоласида янги буюк ўзгаришлар жамиятнинг янгиланиши ва қудратли тараққиёт сари йўналтирилаётганлиги қайд этилган.

Ушбу стратегик мақсадларни амалга ошириш бўйича биринчи устувор вазифа иқтисодиётимизнинг изчил ўсиши ва самарадорлигини ошириш, демократик бозор ислохотларини чуқурлаштириш асосида халқ турмуш даражасини барқарор ва узликсиз яхшилаб боришни таъминлаш зарур. Бу борада кам таъминланган, мухтож оилалар ва одамларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шу мақсадда яқин беш йил давомида:

- иш ҳақини энг кам миқдорини 3,5 баробар ошириш, шу билан бирга аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 1,8-2,0 баробар кўпайтириш;

- миллий пулимизни кадрсизланишига қарши қатор чоралар кўриш ва шулар ҳисобидан одамларнинг реал (амалдаги) даромадини мунтазам ошириш;

- давлат томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳажми ва миқдорини кўпайтириш билан бир вақтда ҳақиқатда ёрдамга мухтож бўлган оилаларга эътиборни кучайтириш;

- бундай эзгу мақсадларни амалга оширишда маҳалла жамоатчилигига кенг миқёсда суяниш;

- ишсизлар ва ортиқча иш кучларини биринчи навбатда қишлоқ жойларда банд қилиш мақсадида меҳнат бозорини шакллантириш, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги янги иш ўринларини яратиш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Бу ишга чет эл сармояларини ва ички имкониятларини кенг жалб этиш;

– ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аввало, қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш давлат дастурининг бажарилишини яқунига етказиш;

– соғлиқни сақлаш ва экологик хавфсизлик соҳаларида қабул қилинган дастурни ҳаётга жорий этиш масалаларини қаттиқ назоратга олиш масалаларида энг аввало ечиладиган муаммолар:

Иқтисодиётни эркинлаштириш масалалари энг асосий йўналишлардан бўлиб, бозор муносабатларини ривожлантиришда асосий вазифалардан бири деб ҳисобланади. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиш керак. Лекин шуни алоҳида қайд этиш керакки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш механизми фаолиятини бозор муносабатларида шаклланган қонуниятларга мослаштириб бориш лозим. Чунки иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ўзи ҳам шуни тақазо этадики, мулкчиликнинг барча турларини ривожланиши ва улардан фойда олиш мақсадида ўзлаштирилиши бозор муҳитига хос бўлган хусусиятлар билан боғлиқ.

Маълумки, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида иқтисодиётни эркинлаштириш масаласи И.А.Каримовни 12 ноябр 2010 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида батафсил ёритиб берилган. Давлат бошқарувининг асосий 6 (олтита) устивор йўналишлар кўрсатилиб, уларда иқтисодиётни эркинлаштириш масалалари, тадбири чоралар аниқланди. Иқтисодиётни эркинлаштириш - давлатни хўжалик ишларига фаол аралашуви бўлиб, хўжалик субъектларини иқтисодий ролини ошириш демакдир. Барча тармоқларда хусусий секторни яқин ишларда улушини янада ошириш талаб этилади, уларни моҳияти янада ошади.

Халқ хўжалигини ички иқтисодий муомалаларини эркинлаштириш уч омил билан боғлиқдир:

1. Нарх навони юқоридан белгилаш ва бошқаришдан воз кечишлик.

2. Барча юридик ва жисмоний шахсларга эркин савдо қилиш имкониятини яратиш.

3. Ишлаб чиқарувчиларни фаолиятини бозор талаби ва қонунқоидаларига йўналтириш.

Албатта бу жуда қийин масала, чунки барча инсонларни онгини тубдан ўзгартириш талаб қилинади, хўжалик юритишни янгича ташкил этишни талаб этади. Ҳаётда нарх навони эркинлаштириш уларнинг тезкор ошишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида инсонларни реал даромадини камайиб боришига, уларни турмуш даражасини пасайишига олиб келади. Булардан ташқари турли муаммолар пайдо бўлади. Масалан иш ҳақини ўз вақтида тўлаш, корхонани хом ашё сотиб олишлари, тўлов балансини бузилиши ва ҳоказо.

Назарияда нарх навони эркинлаштиришни икки варианты мавжуд:

1. Фалаж (шок) усули.
2. Градуал (аста - секин) усули.

Кўпинча амалиётда «қўшма» вариант мавжуд бўлади, бунда баъзан нархлар бирданига ошириб юборилади, баъзан эса аста секинлик билан нархлар оширилади.

Республикада тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши борасидаги сайи-ҳаракатлар сўнгги йилларда кучайди. Хусусан 2005 йилнинг ўзида 6 та меъёрий–ҳуқуқий ҳужжат ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан қабул қилинди. Ушбу меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсадидаги вазифаларни амалга ошириш юзасидан қабул қилинди.

Янги қабул қилинган бу меъёрий ҳужжатларда тадбиркорликни ривожлантириш ва бу фаолиятнинг ўзаро иқтисодий муносабатлардаги муаммоларини ўрганиш, бу соҳани давлат томонидан тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни амалдаги аҳволини холис баҳолаш, шунингдек, зарурият туғилганда янгиларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

2005 йилнинг 5 октябр ойига келиб, ҳукуматнинг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги яна бир Фармони қабул қилинди. Унга кўра микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш ҳуқуқий жиҳатдан белгиланди. Бундан ташқари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини текшириш натижалари бўйича назорат органларининг тақдимномаларини бажарган, шунингдек, етказилган зарарни белгиланган муддатда ва тўлиқ ҳажмда ихтиёрий равишда қоплаган, шу жумладан пеняни тўлаган тақдирда уларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилмайди. Фармонда белгиланишича, назорат органларининг мансабдор шахслари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари рухсатсиз текширилганлиги ва уларнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашилганлиги учун етказилган иқтисодий зарарнинг ўрни қопланган ҳолда жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка тортиладилар¹

Тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи молиявий институтлар - Савдо-саноат палатаси, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат комиссияси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги хорижий молиявий фондлар, суғурта агентликлари, бизнес-инкубаторлар фаолиятларини яхшилашга йўналтирилган тадбирлар амалга оширилди.

Аммо, иқтисодиётимизнинг ривожланишида тадбиркорликнинг ижобий фаолиятини эътироф этган ҳолда, унинг аҳамиятини ортиқча бўрттириш ҳам нотўғри. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фақат муайян доирадагина фаоллик кўрсата олади, шу сабабли кичик тадбиркорликни самарали

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонининг 1 ва 2-бандларига қаранг. 5 октябр, 2005 йил.

ривожлантириш учун керакли шароитни яратиш зарур. Бу ишда хориж тажрибасини ўрганиш фойдадан холи эмас.

Кичик ва хусусий фаолиятини янада ривожлантириш ва уни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш жараёни тезлаштириш ва унинг самарадорлигини оширишда қуйидагилар асосий йўналиш бўлиб хизмат қилади:

–марказлашган ресурс манбалари, ахборот-маълумотлар базасига киришни таъминлаш, тадбиркорлар ва харидорлар ижтимоий ҳимоя кафолатини шакллантириш;

–молиявий кредит муомаласи тармоғида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кредит муассасалари (масалан, кредит омонат муассасалари) ташкил этишга керакли шароитлар яратиш ва кредитлар олиш имкониятларини кенгайтириш;

–солиқлар, валюта ва ташқи савдоларни бошқаришда хорижий инвестициялар учун мустаҳкам режим ўрнатиш, хорижий капитал ёрдамида хусусийлаштириш учун керакли шароитлар яратиш, инвестицион лойиҳалар ҳақида маълумотлар тизимини ташкил этиш;

–қайта ишланган маҳсулот экспорти билан шуғулланадиган тадбиркорлар учун валюта тушуми савдосининг мажбурий меъёрларини яхшилаш, банклараро ҳисоблаш тизимини ривожлантириш;

–тадбиркорликда лизинг хизматларидан фойдаланиш ва уни ривожлантириш;

–кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни ва талаб конъюктурасини ўрганиш учун Республика ахборот тизимини ташкил этиш;

–кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини кредит маблағлари билан таъминлашда суғурта агентликлари ёрмидан фойдаланиш;

–маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари томонидан қўллаб-қувватлашни фаоллаштириш, шу жумладан, маҳаллий миқёсда амал қиладиган солиқ имтиёзларини ишлаб чиқиш.

Ривожланган давлатлар қаторига қўшилиш йўлида, республикада тадбиркорликни ривожланиши учун кенг қўламдаги имкониятлардан фойдаланиш мумкин. Жумладан:

—мавжуд молия жамғармаларидан тадбиркорликни барқарор ривожлантириш учун тўлиқ фойдаланиш;

—олинган кредитларни оқилона, самарали ишлатиш;

—замонавий чет эл технология ва ускуналарида фойдаланиш;

—замонавий таълим даражасидаги малакали мутахассислардан фойдаланиш ва кадрларга замонавий таълим бериш;

—чет эл фондлари томонидан ажратилган маблағлардан ҳам унумли фойдаланиш;

—ташқи ва ички бозор талабига жавоб берадиган товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатиш.

Тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқий жиҳатдан янада тартибга солишни кучайтириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга оширишга эътибор бериш зарур:

Биринчидан, бошқа мамлакатлардан импорт қилинаётган хом ашё ресурсларининг энг муҳим турларини, бутловчи ва озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келтирилишини қисқартириб, чет эл технология ва ускуналарини олиб келиш ҳисобига, ўзимизда импортни ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш керак. Бунинг учун ҳозирги замон талабига жавоб берадиган технологиялардан фойдаланиб, юқорида айтиб ўтган маҳсулотлар билан ўзимизнинг ички ва ташқи бозоримизни таъминлашимиз зарур. Шунингдек, бизнинг шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик илмий-техник тараққиётни ривожлантиришга ёрдам бериши ҳам мумкин. Бунда энг муҳими фан ютуқларимизга таяниб, олимларимиз томонидан яратилаётган янги илмий техника ишларини ривожлантиришни рағбатлантириш айти муддаодир. Чунки улар яратган янгиликларни тадбиркорликда қўллаш анча арзон тушади. Бизда бундай имкониятлар

мавжуд. Янги технология маҳаллий минтакавий шароитда ишлаб чиқилса, жуда кўп иқтисодий имкониятлар қўлга киритилади:

– энг аввало давлат хиссасидаги валюта миқдори тежалади, буни барча техника-технологияни ўзимизда яратилиши билан тушунтириш мумкин,

– жамиятимизнинг демографик вазияти анча яхшиланади чунки иш билан бандлик муаммоси ҳал этилади,

– янги технологияни қайта жиҳозлаш, деталларни ишдан чиққанда уни ишлаб чиқариш ва ўрнатиш ҳам ўзимизда ҳал этилади,

– яратилган янги технологиялар ўзлаштирилиши учун четдан мутахассис чақирилмай, балки маҳаллий мутахассислар ёрдамида ўқишлар ташкил этилади, бу ҳам давлатнинг валюта чиқимини камайтиради.

Иккинчидан, корхонанинг асосий мавқеи унинг малакали ходимлари билан белгиланади. Корхоналарнинг ривожланиши учун кадрларни ўз соҳаси бўйича билим даражасини ошириш муҳимдир. Бунинг учун айрим соҳа мутахассисларини чет эллардаги етакчи ўқув ва илмий марказларида ўқитиш ҳамда хорижий фирмалар, компанияларда малакасини ошириш, шу билан биргаликда ўзимиздаги халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар, ноҳукумат муассасалари ва бошқа ташкилотлар билан кадрларни ўқитиш бўйича тадбирлар кўриб бориш лозим.

Учинчидан, корхоналар, тадбиркорлар, давлатдан ўзлари оладиган маблағлар (кредитлар)ни аниқ мақсадларга йўналтиришлари керак. Олинадиган маблағлардан самарали ва муайян мақсад йўлида фойдаланиш учун катта масъулият сезиш ҳисси катъий бурч бўлиб қолиши керак. Кредитлар ўз вақтида қайтарилишига эришмоқ даркор. Сабаби улардан ишлаб чиқаришни юксалтириш учун энг кўп самара билан фойдаланишга интилишлари лозимлиги кўзда тутилмоғи зарур.

Тўртинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини барқарор ривожлантириш учун фондлар ва банклар томонидан ажратилган субсидиялар, шу жумладан қайтариб олинмайдиган субсидиялар манба бўлиб хизмат қилиши лозим.

Бешинчидан, ташқи ва ички бозорларда қандай товарларга эҳтиёж сезилаётганлигини билишимиз учун аввало, маркетинг тизимини йўлга қўйиб, ундан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Қайд этиш зарурки, бугунги кунда аксарият кичик ва хусусий корхоналар фаолияти маркетинг соҳасидан йироқдирлар. Маркетинг тизимидан фойдаланишда ҳозирги замонавий компьютер тизимини қўллаш ва бу орқали интернет тизимларини ўзлаштириш айниқса зарурдир. Компьютерлар жаҳон бозоридаги кунлик нарх-наво, талаб ва таклифни кузатиб боришда энг қулай воситадир. Бундай маълумотлар асосида иш юритиб борилса, ҳар бир корхона ўзининг ишлаб чиқаришини ва кўрсатадиган хизматларини бозор талабларига мослаб боришга имконият яратади.

Фикримиз якунида қайд этамизки, агарда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ривожлантиришда юқоридаги таъкидлаб ўтилган таклифлар ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватланса, уни амалга ошириш учун шароит яратилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш маҳаллий иқтисодиётнинг юксалишига олиб келади Бу эса Республика иқтисодиётининг тараққий этиб боришида зарурдир.

Хулоса ва таклифлар

Миллий иқтисодиётнинг мустақилик йилларидан бошлаб ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сектори муҳим аҳамият касб эта бошлаган. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида туб ўзгаришлар жарёни амалга оширилди. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш мақсадида мамлакатга инвестиция маблағларини жалб қилиш орқали барқарор ривожланиш стратегиясини яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланди.

Шу боис, Республикамизда турли хил тармоқларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга бўлган эътибор алоҳида устуворликни касб этди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш мақсадида ҳуқуқий асослар яратилди. Бу эса иқтисодиётнинг турли тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиб боришдаги қулайликларни келтириб чиқарди.

Мамлакатдаги каби Наманган вилояти иқтисодиёти тармоқларида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва ривожлантириш борасида янгидан-янги имкониятлар яратилди. Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятини иқтисодиётнинг турли соҳаларида кўриш мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш тадбирлари эса банкларга катта маъсулиятни юклади. Бозор иқтисодиётига ўтишгача бўлган даврда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан давлат муассасалари шуғулланган бўлса ҳозирги кунга келиб, йирик ва кичик бизнес вакиллари, бизнесменлар бирдек бу соҳага кириб боришлари ва шу орқали мамлакатда ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшаётганлари билан ажралиб турмоқда.

Наманган вилояти иқтисодиёти тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сонининг ўсиши, илмий-техник тараққиёт,

мулкчиликнинг турли шакллари, меҳнат жараёнидаги туб ўзгаришлар бозор муносабатларига ўтишда кичик бизнес фаолиятни ташкил этиш ва стратегик ривожлантириш ҳамда уларга кенг имкониятларни яратиб бериш илмий ёндашув асосида ташкил этишни талаб этади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни амалга оширилиши ва амалиётга кириб келиши учун жамиятнинг ҳар бир фуқароси психологик жиҳатдан тайёр бўлиши ва иқтисодий ҳамда ҳуқуқий кўникмаларга эга бўлиши керак.

Бугунги кунда нафақат Наманган вилояти, балки Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларини ривожлантириш мақсадида кичик бизнесни ташкил этиш стратегик ривожланишнинг янги имкониятларини очиб беради. Бозор муносабатларида шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси билан шуғулланувчи ишбилармонлар ва тадбиркорларга талаб янада ортади. Бу эса олий ва ўрта махсус ўқув юртлари олдида ҳам бир қатор вазифалар қўяди. Улардан бири кичик бизнес учун малакали мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, ходимлар малакасини ошириш, уларни замонавий ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий билимлар билан маънавий жиҳатдан бойитиш ҳисобланади.

Биз иқтисодиётнинг турли тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ривожланиши ва ундаги имкониятлар даражасини Наманган вилояти мисолида таҳлил қилдик. Наманган вилояти бўйича иқтисодиётнинг барча тармоқларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бугунги кунга келиб жуда катта муваффақиятларни қўлга киритган. Бу борада инқирозга қарши чоралар, модернизация, ва маҳаллийлаштириш дастурларининг амалга оширилиши ҳамда касаначиликни ривожланиши мазкур тармоқ кўламида кичик бизнес субъектлари учун бўлаган имкониятни янада оширишга олиб келди деб ҳисоблаш мумкин.

Бироқ, бу соҳадаги ишларни тўла-тўқис ижобий баҳолай олмаймиз. Чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида иқтисодиёт тармоқларидаги ҳолатини яхшилашда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши керак. Иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни давлат

томонидан тартибга солишда ҳали қатор ечимини тополмётган муаммолар мавжуд.

Умуман олганда Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари қуйидаги асосий муаммоларга дуч келмоқдалар:

– энг замонавий тармоқларда масалан, ахборот технологиялари, моддий-техника таъминоти, фан, молия, бошқарув, тайёрлов каби тармоқларда тадбиркорлик субъектлари миқдоран суст кўпаймоқда.

– ишлаб чиқариш билан боғлиқ тармоқда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг банкротга учраш ҳолатлари бошқа тармоқлардагига нисбатан кўп.

– вилоятда ишлаб чиқариш билан боғлиқ тармоқларда сезиларли даражадаги ўзгаришлар кузатилмаяпти. Бу муаммони ҳал этишда давлат томонидан таъсир этувчи воситалар фаолияти суст ишламоқда.

– давлат идораларида ишлаётган айрим раҳбар ва маъмурий ходимларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий соҳадаги билим савиясини оширишга бўлган чора-тадбирлар кўриб борилмаяпти. Бу ўз навбатида тадбиркорларни маҳаллий бошқарувини ташкил этишда ўзига хос қийинчиликлар келтириб чиқармоқда.

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма муассасаларида ишлаётган мутахассислар томонидан кўрсатилиши керак бўлган хизматларда бюрократик элементларнинг мавжуд.

Умуман олганда, Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишдаги чора-тадбирларни кучайтириш мақсадида қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

– вилоят иқтисодиётининг замонавий тармоқларида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг фаоллигини ошириш мақсадида солиқ ва банк тизимидаги чора-тадбирларни кучайтириш;

– давлат томонидан амалга ошириладиган қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини устувор тармоқларга, яъни тайёр маҳсулотлар, шу жумладан,

экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ташкил этишга йўналтириш зарур.

–кичик тадбиркорликда кичик ҳажмдаги меҳнат талаб тайёр маҳсулотлар, ярим фабрикат ва бутловчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларга асбоб-ускуна, технологик таъминотда ёрдам кўрсатишни давлат томонидан рағбатлантириш.

–кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожланиб бориш жараёнларини таҳлил қилиш мақсадида ҳар ойлик мониторинглар ўтказиш. Буни Монополияни бошқариш ва рақобат муҳитини ривожлантириш муассасалари томонидан назоратини ўрнатиш лозим.

–кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, бунинг учун оралик ва сиртки ўқишларни ташкил этиш, Савдо-саноат палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, халқаро ташкилотлар грантлари ва стипендиядарини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бу тадбирларни ўтказишда давлатнинг қўллаб-қувватловчи механизмини тўла ишга солиш зарур деб ҳисоблаймиз.

–кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида Ҳукумат томонидан кенгайтирилаётган имкониятларнинг ижро механизмини яхшилаш;

–кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш манбаларини вилоятлар кесимида кенгайтириш;

–тадбиркорлик фаолиятини ҳимоялаш қилишда юридик ташкилотларни фаоллигини ошириш;

–кичик бизнес вакиллари ҳимоялаш мақсадида суғурталаш тадбирларини йўлга қўйиш;

–йирик корхоналар билан кичик бизнес вакиллари ўртасида кооперация муносабатларини самарали ташкил этиш;

–маҳаллийлаштириш дастурига кўра кичик бизнесни жойларда тезлик билан ташкил этиш.

Берилган таклифларни қўллаш нафақат вилоят миқёсида, балки республика миқёсида ҳам амалга ошириш фойдадан холи эмас. Бу таклифлар қисман бўлсада, миллий иқтисодиёт таркибидаги тадбиркорликни ривожланиши учун тўртки беради. Бунинг учун маҳаллий бошқарув раҳбарлари ва тадбиркорлар ўз фаолиятларини бозор муҳитига мос олиб боришлари шарт.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатдаги каби Наманган вилоятида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Бу имкониятлардан оқилона фойдаланиш ва иқтисодиётнинг турли соҳаларида кичик бизнес субъектларининг ролини ошириш орқали барқарор ривожланишга эришиш мумкин.

Фойданилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхоналар тўғрисида»ги Қонуни. Қонун ва қарорлар. -Т.: Ўзбекистон, 2004., №3
2. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 1996 йил 26 апрель // Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари тўплами. 1 том. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2002.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуни 2001 йил 6 декабрь // Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари тўплами. 1 том. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2002.
4. «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги Қонуни 2001 йил 6 декабрь // Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари тўплами. 1 том. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2002.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 05.05.1994 й.
6. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”. Ўзбекистон қонунлари. -Т.: Адолат, 1999.
7. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида”. Халқ сўзи. - 1995 й. 23 декабрь.
8. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. “Мулкни давлат тассаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”. Ўзбекистон қонунлари. - Т.: Ўзбекистон, 1993.
9. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. “Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида”. Ўзбекистон қонунлари. - Т.: Ўзбекистон, 1993.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари

10. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Халқ сўзи, 1998 йил 10 апрель.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Тошкент, 2006 йил 5 январь. //Халқ сўзи, 2006 йил 6 январь.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. Тошкент, 2005 йил 11 апрель. //Халқ сўзи, 2005 йил 12 апрель.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Тошкент, 2005 йил 14 июнь. //Халқ сўзи, 2005 йил 15 июнь.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Тошкент, 2005 йил 14 июнь. //Халқ сўзи, 2005 йил 16 июнь.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. Тошкент, 2005 йил 20 июнь. //Халқ сўзи, 2005 йил 21 июнь.

16. «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 14.06.2005й.

17. “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.// Халқ сўзи, 15 март 2007 й.

18. Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашнинг таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) 4058-сонли Фармони

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4057-сон.

21. Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2009 йил. 15 май. (ПҚ–1112-сон).

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2011 йил 4 апрел, ПФ-4057-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузалари ва асарлари

23. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т.: Ўзбекистон, 2005. - 92 б.

24. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи, 2006 йил 11 феврал.

25. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. Халқ сўзи, 2006 йил 25 феврал.

26. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

27. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

28. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

29. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

30. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуққрлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. -56 б.

31. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.. – Т.: Ўзбекистон, 2011. -48 б.

4. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

32. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо

этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 бет.

33. Абулқосимов Ҳ. П., Ҳасанов Р. Р. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар. –Т.: Akademiya, 2010. -216 б.

34. Абулқосимов Ҳ. П. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар. –Т.: Akademiya, 2008.

35. Абулқосимов Ҳ. П., Худойберганов Н.Г. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш муаммолари. –Т.: Университет, 1997.

36. Абулкасимов Х. П. Проблемы государственного регулирования экономики в современных условиях. –Т.: ТГТУ, 1994.

37. Автономов В. С. и другие. История экономических учений. –М.: ИНФРА-М, 2000. –784 с.

38. Арипов О.А. Государственное управление и регулирование частного предпринимательства в условиях либерализации. // Интеграция Казахстана в мировую систему образования: перспективы развития, проблемы и пути их преодоления. Матер. докладов Академии экономики и права им. У.А.Джолдасбекова 3-Международной научно-практич. конференции, посвящ. памяти акад. У.А.Джолдасбекова Казахстан. 2008, 24 апр. с. 60-63.

39. Арипов О.А. Государственное управления и регулирование малого бизнеса и частного предпринимательства в Респулике Узбекистан. // Наука и общество: проблемы современных исследований: Сб. науч. статей. IV Международной науч-практич. конферец. Часть 1. –Омск. 2010. 28 апр. с.194-200.

40. Арипов О.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муаммолари. // Ж. Жамият ва бошқарув. –2009. №4. 69–70 б.

41. Арипов О.А. Замонавий бизнеснинг маънавий жиҳатлари. // Ж. Жамият ва бошқарув. (махсус сон). –2010. 277–279 б.

42. Арипов О.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик меъзонлари. // Ж. Жамият ва бошқарув. –2010. №3. 48–50 б.
43. Архипов А. Утверждение нового мышления. // Ж. Российский экономический журнал. –1997. –№8.
44. Вахабов А. В. Жаҳон молиявий инқирози таъсирини юмсатиш омиллари. // Халқ сўзи. –2009. 2 апр. №68.
45. Белых Л.П. Реструктуризация предприятия. Учеб. пособ. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009. – 511 с.
46. Бусыгин А.В. Предпринимательство. Учебник. –М.: Дело, 2000. – 640 с.
47. Государственное регулирование в условиях перехода к рынку: опыт России и Узбекистана. / –Т.: Институт экономики. 2003. –531 с.
48. Государственное регулирование экономики / Под ред. проф. А. Н. Петрова. Ч.2: Учебное пособие. –СПб.: Знание, 2000. –93 с.
49. Государственная гарантия в развитии малого и частного предпринимательства. // Частная собственность. –1996. –№2.
50. Государство в меняющемся мире. // Ж. Вопросы экономики. –1997. –№7.
51. Давлат қурилиши ва бошқаруви / Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. –Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт–матбаа ижодий уйи, 2007. –576 б.
52. Ершов И. В. Предпринимательское право: вопросы и ответы. –М.: Юриспруденция. 2003. –253 с.
53. Жизнин С., Крупнов В. Қандай қилиб бизнесмен бўлиш мумкин? (рус тилидан тарж.) -Т.: Ўқитувчи, 1992. 58 б.
54. Зайнутдинов Ш.Н., Исмаилова Т.С. Производственный менеджмент. Учебное пособие. -Т.: 2002.
55. Йўлдашев А. Кичик бизнес корхоналари истикболи. // Ҳамкор. 23 октябрь 2003. №20 (105).

56. Кемпбелл Р.Макконелл, Стэнли Л.Брю. Экономикс. В 2-х т. -М.: Республика. 1992. -399 с.
57. Кулешов В. В. мировой финансовый кризис и его последствия для России. // Ж. ЭКО. –2009. №1 С.2–13.
58. Леонтьев В. Когда порвались паруса... // Ж. Деловой мир. –1992. –21 мая.
59. Мирзиёев Ш.М. ва бошқалар. Ўзбекистонда ишбилармонлик ва тадбиркорликнинг ривожланиши. -Т.: Университет, 1994. -53 б.
60. Махмудов Э. Рыночная экономика и концепция современного бизнеса. // Ж. Экономика и класс собственников. –2004. –№2. –С.23–27.
61. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Бизнес планирование. (Учебное пособие). -Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004.
62. Рубе В. А. Малый бизнес: история, теория, практика. –М.: ТЕИС, 2000. –231 с.
63. Савченко В. Е. Государственное предпринимательство в рыночной экономике. –М.: Экономика. 2000. –292 с.
64. Самуэльсон П.А.,Нордхаус В.Д. Экономика. Пер. с англ. -М.: “Лаборатория базовых знаний”, 2000. -800 с.
65. Фатхутдинов Р.А. Производственный менеджмент. -М.: 2001.
66. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
67. Шамхалов Ф. И. Государство и экономика: основы взаимодействия. Учебник для ВУЗов, –М.: НПО Изд. «Экономика», 2000. –382 с.
68. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: Мехнат, 1995. -527 б.

69. Қодиров А., Кархалов М. Кичик ва ўрта бизнес муаммолари. // Жамият ва бошқарув. №3. 2001 58-59 б.

70. Гуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.: “Шарқ”, 2002. – 368 б.

5. Диссертация ва авторефератлар

71. Арипов О.А. Кичик ва хусусий бизнесни давлат томонидан тартибга солиш муаммолари.: Иқтисод фанлари номзоди... дисс. –Т.: 2006. –154 б.

72. Доклин Т. Государственное регулирование деятельности малых и средних предприятий (На примере Мали). Дис. ... канд. экон. наук. –М.: 2000. –198 с.

73. Ершов С. Ю. Государственное регулирование институциональной среды малого предпринимательства как необходимое условие его развития.: Дис. ... канд. экон. наук. –Новосибирск. 2005. –198 с.

74. Ишмухамедова Л.А. Пути повышения эффективности функционирования субъектов малого предпринимательства в Узбекистане: Автореф. дис. ... канд. экон. наук. –Т.: АН Уз. 2005. –21 с.

75. Кархалов М. Ф. Кичик бизнеснинг самарадорлигини ошириш йўллари.: Иқтисод фанлари номзоди... дисс. автореф. –Т.: 2004. –22 б.

76. Кирчегина Н. Н. Государственное регулирование малого бизнеса (на примере США и Южной Кореи): Автореф. дис. ... канд. экон. наук. –М.: МГУ им. Ломоносова. 1992. –21 с.

77. Суюнов Д. Х. Кичик ва ўрта бизнес субъектларида бошқарувни ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш йўналишлари.: Иқтисод фанлари номзоди... дисс. –Т.: 2004. –140 б.

78. Ходачек А. М. Государственное регулирование малого предпринимательства в условиях крупного города: Автореф. дис. канд. экон. наук. –СПб. 1995. –16 с.

79. Ходиев Б. Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлаштириш.: Иқтисод фанлари доктори... дисс. автореф. –Т.: 2000. –38 б.

80. Худойбердиев З.Р. Ўзбекистон қишлоқ жойларида меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнатда бандлиги ва унга кичик ҳамда хусусий тадбиркорликнинг таъсири.: Иқтисод. фанлари номзоди... дисс. –Т.: 1997. –130 б.

6. Статистик маълумотлар тўпламлари

81. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. –Т.: Ўзстат, 2011.

82. Наманган вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. -Наманган. Вилоятстат, 2011.

83. Наманган вилояти паспорти. -Наманган. 2011.

7. Интернет маълумотларини қуйидаги сайтлардан олинади

84. www.zone-x.ru/showtov.asp?,

85. www.ssau.ru/books/economics/1.shtml,

86. www.rubricon.com/tsep_1.asp,

87. www.neocd.ru/showtov.asp?,

88. www.MIFI.ru/education/courses/economy/,

89. www.diploms.com/econ/e_predpr.htm,

90. econpredpr.narod.ru,

91. economy.infotechno.ru.

8. Диссертация юзасидан чиқарилган илмий мақолалар

92. И.Рахимов “Менежмент местного органов самоуправления граждан и применение компьютерной технологии”. “Рақобатбардош кадрлар тайёрлашда мустақил таълим: жаҳон таълим тизими тажрибаси ва олий таълим муассасалари ҳамкорлиги” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Н.: НамМПИ 2010 й. 160 б.

93. И.Рахимов “Давлат томонидан инновацион фаолиятни тартибга солиш ва бошқариш масалалари”. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривож, истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Н.:АндМИИ 2011 й. 84 б.